Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
30 сон
26 июл — 1 август, 2007 йил

# МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА...



Раъно Толиповани таниганлар опанинг зуваласи пишиқ, меҳнаткаш ва тиришқоқлигига қойил қолишади. Балки опа ана шу фазилатлари туфайли ҳам бугунги дориломон кунларга етиб келгандир, олима деган шарафли номга сазовор бўлгандир.

- Болалигим урушнинг оғир йилларига тўғри келган,- дея хотирлайди Раъно опа, - Дадам урушга кетганда мен беш яшар қизалоқ бўлганман. Дадам урушга кетгач бир ойдан сўнг синглим туғилган. Онам чақалоқ синглимни менга ташлаб ишга кетарди. Синглимнинг қорни тўймас, нуқул "нана, нана", деб йиғлагани-йиғлаган эди. Уч ёшга етганда шу синглим вафот этиб қолди. Унга қаращдан қутилганимга хурсанд бўлиб, қўшнимизникига чиқиб "суюнчи" олганман. Ақлимни танигач англадимки, синглим очликдан вафот этган экан.

Болаликнинг шўх-шодон онлари насиб этмаган Раъно опа эсини танибдики меҳнат қилади, тиниб-тинчимайди. Шунинг учун бўлса керак интилиш, машаққатлардан чарчамайдиган бу аёл ёшлигини, куч-ғайратини ҳар кимнинг ҳам сабри етмайдиган бир улуғ йўлга- илмга бағишлади. Педагоглик касбини танлаган аёл 1971 йили аспирантурани тамомлагач номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. 1986 йил Москвада "Миллий гуруҳлар талабаларини рус тилини ўрганишга қизиқтиришнинг лисоний- дидактик асослари" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлайди. 1988 йили профессор деган номга мушарраф бўлиб, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида директор лавозимида фаолият кўрсатади. Раъно Толипова ўз касбининг моҳир устаси, шунингдек тил ва адабиётимизнинг равнақи учун улкан ҳисса қўшган олимадир. У 1990 йили "Тил ва адабиёт таълими" журналини ташкил қилди ва шу билан бирга таҳририят қошида "Ўзбек тили маркази"ни тузди ва унга бошчилик қилиб келяпти. Раъно Толипованинг она тилимизни хорижликларга ўргатиш борасидаги меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Ҳозирда ўзбек тилини ўрганувчилар учун чоп этилган дарслиги Англия, Франция, Бельгия ва Америкада ҳам кенг тарқалган. Олимамизнинг 120дан ортиқ илмий мақоласи, 19та дарслик, 16та методик қўлланма, 5та монографияси ўқувчилар қўлига етиб борганлиги фикримизнинг далилидир. Бугун ҳар бир оила фарзандлари Раъно Толипова яратган дарсликларни ўқиб камолга етмоқда.

Ҳа, бу ишлар, ютуқларни айтиб ўтиш, ғурурланиш осон. Лекин ўзбек аёлининг оила ташвишлари, бола тарбиясидан ортиб олималик даражасига етишишини бир тасаввур қилинг-а. Бешта фарзандни жамиятга нафи тегадиган инсонлар қилиб тарбиялаш ҳам осон иш эмас. Лекин бизнинг қаҳрамонимиз ҳар икки мақсадига ҳам матонат ва бардош билан эришди. Раънохоннинг илмий-педагогик, муҳаррирлик фаолиятини беш фарзанднинг онаси, ўн икки неваранинг бувиси сифатидаги тинимсиз, кўзга кўринмас меҳнат машаққатлари билан уйғун ҳолда кўрамиз. Лекин ҳаёт тўлқинлари уни ҳам "синаб" ўтди. 1990 йилда севимли турмуш ўртоғидан, сўнгра айни қирчиллаган 37 ёшли севимли тўнғич ўғлидан жудо бўлди. Турмуш ўртоғи Маъдан Толипов Раъно опа учун чинакам дўст, ҳаммаслак ва устоз ҳам эди.

Юртга муносиб фарзандларнинг эъзозида юрган онахон ҳамон тиниб-тинчимайди. Маърифат йўлида кимки йўл-йўриқ, ёрдам сўраб келса меҳр билан устозлик қилади. Илм истаб тўсиқларга дуч келиб қийналган қанча-қанча инсонлар Раъно опанинг жонбозлик билан елкадош бўлганини, оналарча бошини силаганини кўп гапиришади. Аслида Раъно опанинг орзуси ҳам, мақсади ҳам юртнинг келажагини билимли, зиёли ва меҳнаткаш фарзандлар қўлида кўриш.

Ҳа, миллатимизнинг шундай қизи борлигидан фахрлансанг арзийди. Сўзимиз ниҳоясида етмиш баҳорни қаршиласа-да ҳамон ғайрат ва шижоати баланд Раъно Толиповага узоқ умр, соғлик ва ҳеч қачон толмасликни тилаб қоламиз.

**Санобар НИШОНОВА,**
**педагогика фанлари доктори.**




# ГЎЗАЛ ҲИСЛАР ЖИЛОСИ



- Қизим Мухлисадаги қобилиятни болалигиданоқ сезгандим, - дейди Матлуба опа. - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган концертда Мухлиса хоразмча куйга рақс тушди. Ўшанда унга вилоят ҳокими қўғирчоқ совға қилганди. Мухлиса унда беш ёшга кирганди. Дадаси Асадулла ака билан маслаҳатлашиб, қизимизни Зулфия номидаги шаҳар ижодиёт марказининг рақс тўгарагига бердик.

Биз сизга ҳикоя қилаётган Мухлиса Жиззах шаҳри Раваллиқ маҳалласининг Қодировлар хонадонида туғилиб, вояга етди. Матлуба опа қизалоғига кўплаб сеҳрли оҳангларга бой, ширин аллалар айтиб берарди. Болалар боғчасида, давраларда қизчани ўйинга тортишганда, у худди ҳумо қушдай қанотларини ёзиб, рақсга тушарди.

Мухлиса ижросидаги рақсларни видео тасмада кузатаман. Ёш раққоса хиром айламоқда. Гўё юлдуз осмон саҳнида сузиб бормоқда. Бир таъзим, бир табассум билан сизни мафтун этади.

Шаҳноза Қодировадан рақс сирларини ўрганган Мухлиса бугун турли рақслар учун кийим танлаб, ўзи тикиб тайёрлайди.

Мухлиса юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, тикувчилик, каштачилик, тўқиш, рассомчилик каби ҳунарларни ҳам пухта ўзлаштириб олган. Ижодхонасини кўздан кечирамиз. Ўзгача бир дунёқараш, хаёллар оғушида бежирим, назокат ва дид билан ясалган қўғирчоқлар, гуллар, қўйингки, юзга яқин асарлари Мухлисадаги истеъдоддан далолат беради. Қизиқиш, ҳавас уни янги-янги асарлар яратишга ундайверади.

- Эрталаб ижодхонасига кирсам, ўзи ясаган ўйинчоқлари ичида ухлаб қолган бўлади, - дейди бувиси Тамара она.

Мухлиса яқинда бўлиб ўтган "Ташаббус" танловининг вилоят босқичида "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида совриндор бўлди. Меҳрибонлик уйи ва болалар боғчалари тарбияланувчилари учун ўзи ясаган ўйинчоқ кийимлардан совға қилди.

Ҳозирда бу ҳаракатчан қиз Жиззах педагогика университетининг талабаси. Замон шиддатига ҳамнафас шундай ёшлардан қувонмай бўладими?! Нафис санъатга шайдо кўнглинг ҳайратларга тўлиб-тошаверсин, Мухлиса!

**Зоир ЭРГАШЕВ,**
**Жиззах шаҳри.**

# ҚЎША-ҚАРИГАНЛАР



***Жўрахон ая ва Мирзабек ота Тошпўлатовлар 40 йилдан ортиқ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани халқ таълими тизимида хизмат қилдилар. Улар- фидокорона меҳнатлари учун ҳукуматимизнинг унвон ҳамда медаллари билан мукофотланган, эл-юрт дуосини олган фахрийларимиздан. Букун уларнинг турмуш қурганларига ҳам 55 йил бўлибди. Икки фарзанд, 5 набира ва 5 абиранинг ардоғида кексалик гаштини сураётган бу жуфтликка ҳамма ҳавас билан қарайди.***

**САНОБАР**

Файзли тўйхона. Дилкаш давра. Тўкин дастурхон. Соз-суҳбат. Гуллар. Эзгу тилак-истаклар...

- Бугунги тўйимизнинг файзи, мазмун-моҳияти бўлак, - дейди Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Сангар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги подполковник Тоҳиржон Жабборов. - Умрини эл хизматига бахшида этган икки азиз инсоннинг ёш тўйи қувончларини баҳам кўришга ташриф буюрдик. Илоҳим, ҳаммани шундай кунга етказсин!



Тўй қатнашчилари узоқ йиллар қурилиш ташкилотларида фидойи меҳнат қилиб, Хива шаҳри ва туманидаги кўплаб иншоотларни бунёд этишга катта ҳисса қўшган оддий қурувчи Отабой ота Бобожоновнинг 80, тикувчилик касбини ардоқлаб, ҳурмат-эътибор топган Зеваржон опа Жуманиёзованинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ташкил этилган тантанани баҳам кўришди. Маҳалладошлар бу оддий касб эгалари ҳаётини ўзлари учун ибрат мактаби билишади. Бу оилада камолга етган 4 ўғил, 2 қиз ҳам эл-юрт хизматига камарбаста. Отахон ва онахоннинг кўплаб шогирдлари ҳам ўзларининг фидойи меҳнатлари билан эл-юрт равнақига, фаровонлигига ҳисса қўшаяптилар.

**Абдулла САФОЕВ**

# АЁЛГА МАДАДКОРМИЗ

**Суҳбатдошимиз—Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари "Меҳр" Бирлашмаси раиси Зулфия Тўхтахўжаева.**



**- Зулфия Тўхтахўжаевна, «Меҳр» Бирлашмасининг фаолияти, унинг аёлларимизга келтираётган нафи ҳақида гапириб берсангиз.**

- Асосий мақсадимиз-барча соҳада (Гендер тенглик) аёл ва эркак тенглигига эришиш. Аввало аёлни иш билан таъминлаш масаласи ҳал қилиниши керак. Иккинчидан, 54 ёшда аёлни нафақага чиқариш тўғри эмас. Ахир бу даврда у айни тажрибага бой, тетик бўлади. Айримлар фаол иш жараёнидан нафақага чиқиб, уйда ўтириб қоладилар. Уларнинг билимларидан фойдаланиш, каттароқ ишларга жалб қилиш лозим. Бизни ташвишга солаётган муаммолардан бири- баъзи алданган қизларимизнинг чет элларда ўз ихтиёридан ташқари танфурушлик қилишга мажбур бўлиб қолаётганларидир. Уларни бу ботқоқдан олиб чиқиш ҳам бизнинг вазифамиз. Шунингдек, қизларнинг эрта турмушга чиқиши уларнинг соғлигига, эртанги тақдирига соя солаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Бошқарув аппаратларида аёлларнинг камлиги, шунингдек уларнинг уйи муҳитидаги ҳол-аҳволни яхшилаш эри-барча-барчаси бизнинг, олдимизда турган ҳал этилишни талаб этувчи масалалардандир.

**-Режаларингиз қай даражада амалга ошаяпти?**

- 2003 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача, "МЕҲР" Бирлашмаси Хотин-қизлар Қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда, бир неча хотин-қизлар (ННТ) нодавлат, нотижорат ташкилотларининг Форумини ўтказдик. Бундан мақсад- маҳалла ва жамоат ташкилотларидаги етакчи аёлларни бирлаштириш, бир ёқадан бош чиқариб, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Бу борада мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳаракатлар бошланиб кетди. Андижон туманидаги "Мустақиллик" маҳалласида "Маърифатпарварлар" жамияти маънавият ишларини олиб боришаётган бўлишса, Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Фирдавсий" маҳалласида "Меҳр кўзда" маркази аёллар ўртасида диний экстремизмга қарши семинарлар ва тренинглар ташкил этиб, уларга ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда. Тошкент шаҳридаги "Истиқболли авлод" маркази эса "Инсон савдосига барҳам бериш" борасида бир неча бор суҳбатлар ўтказди. Самарқанд вилоятидаги "Аёл" маркази ВИЧ\-СПИД профилактикаси бўйича амалий тадбирлар олиб бораяпти. Бу касаллик билан оғриган беморларга иссиқ кийимлар тарқатилди. Шунингдек, "Милленум" маркази (Тошкент)да ногирон аёл-қизларга тикиш, расм чизиш, тўқиш ва бошқа ҳунарлар ўргатилаяпти. 1994 йилдан буён 300 дан ортиқ ҳамюртларимизни Европа давлатларига иш ўрганиш учун олиб бордим. 260 нафар ўрта таълим мутахассис лари Австралияга бориб тажриба алмашдилар.

**- Билишимча, ўзингиз ташкил қилган кичик фирмангиз билан ҳам Бирлашма ишига катта ёрдам бераётган экансиз...**

- Ҳа, Ўзбекистон ишбилармон аёллари ассоциация қошида "ИМКОН ПРЕСТА" консалтинг фирмасини очганман. Биз Халқаро Ҳамкорлик лойиҳаларини маҳаллий ҳудудга мослаб қайта ишлаймиз ва чет тилларига таржима қилиб, мутахассислар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиламиз.

**- Зулфия Тўхтахўжаевна, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз.**

- Умр йўлдошим-тележурналист. 32 йилдан буён бирга умргўзаронлик қиламиз. 90 ёшли қайнонам билан эса сирдошмиз-онам ўрнида. Мен кўп масалада ҳануз улардан маслаҳат оламан. Бир ўғлим, бир қизим бор. 4 нафар набирам учун алоҳида вақт ажратаман.

**-Мухлисларимизга тилакларингиз?**

- Аввало омонлик, кейин кўнгилларида неки орзу бўлса амалга ошишини истайман. Аммо кучли бўлишлари шарт!

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# ОДАМЛАР ДАРДИ БИЛАН ЯШАШ БАХТИ




- 43 йил темир йўл соҳасида ишлаб, шунинг баробарида маҳалламизда котиб ҳам бўлиб фаолият олиб боришим бугунги кунда одамлар дарди билан яшаш бахтини берди, - дейди таҳририятимизга ташриф буюрган Сирғали тумани Усмон Юсупов номли маҳалла маслаҳатчиси, 65 ёшли Турдибой Каримов.
- Маҳалламизнинг кекса отахону онахонлари билан "Оила ва жамият" газетасининг деярли ҳар бир сонини ўқиб, таҳлил қиламиз, баҳс-мунозарлар юритамиз. Газета бизга оилалар муаммоларини ҳал қилишда қўлланма вазифасини ҳам ўтаяпти десам муболаға бўлмайди.

**- Темир йўл соҳасида ишлаганман деяпсиз, бу касбга ёшлигингиздан қизиққанмисиз?**

- Бир пайтлар ота-боболарим туя ҳайдаб, карвонларда юрт кезган эканлар. Мен ҳам уларнинг касбини давом эттириб поездларда юрт кездим. Буни қарангки, катта ўғлим учувчи, куни кеча у самолётда Америка давлатига учиб кетди. Ким билсин, ривожланиш бу даражада бўлса набираю эвараларим қайси транспорт турида юрт кезишар экан.

**Яхшилардан сўз очдик**

Худога шукр, 5 ўғлим, икки қизим ва 22 нафар набирам бор. Фарзандларимнинг барчаси илмли, ўз касб-корига эга бўлиб вояга етишди. Мен уларни етук инсон бўлиб камол топишлари учун бор меҳримни, уқувимни бағишладим. Шулар мендан ибрат олишсин деб, яхши ишлар қилишга ҳаракат қилдим. Ичмадим, чекмадим, ёмон ишлар қилишдан сақландим. Болаларимни меҳнатдан бўйин товламасликка, ҳалоллик ва тўғриликка ўргатдим. Натижаси ёмон эмас...

**- Армонингиз йўқ экан-да?**

- Э, қизим. Армонсиз одам бўлмайди. Армонсиз одам - ҳиссиз одамдир.

Болаларимизнинг ҳузурини кўрадиган пайтда аёлим вафот этиб кетди. Унинг ўрни жуда билинади. Иш билан овунаман. Маҳалла аҳли учун елиб-югуришдан тинмайман. Бир пайтлар, ёшлигимда, маҳалламизда Мўмин ота деган оқсоқол бўлар эдилар. Ўша кишига жуда ҳавасим келарди. Доим одамлар орасида, бировларнинг ташвиши билаң елиб-югурар, бировга яхшилик қилишдан чарчамасдилар. У кишини ҳамма яхши кўрар, ҳурмат қиларди. Ана шу инсондек бўлиш орзуим эди. Билмадим, у кишининг даражасига етдимми, йўқми, лекин қўлимдан келганича инсонларга ёрдам беришга интиламан. Худога шукр, маҳаллада каттаю кичик ҳурмат қилишади, эъзозлашади. Қариганда эътиборда бўлишнинг ўзи бир бахт эмасми?

**- Албатта-да, отахон. Илоҳим ҳамиша ана шундай иззат-икромда яшаш насиб қилсин. Эл ташвиши билан яшаш бахти сизни ҳеч қачон тарк этмасин.**

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

# БЕҒУБОР ОРЗУЛАР



Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида республика ёш ижодкорларининг "Истиқлол берган бахт" номли кўргазма-танлови ва тасвирий санъат бўйича халқаро танловлар ғолиблари—А. Абдуманнопова ҳамда Ч. Исмоиловалар билан учрашув бўлиб ўтди. Кўргазмада имконияти чекланган болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг истеъдодли фарзандлари иштирок этдилар. Тадбирни республика болалар ижодиёти маркази раҳбари С.Шодиева табрик сўзи билан очди. Сўнг кўргазма-танлов ҳайъати раиси—Ўзбекистон халқ рассоми, академик О.Файзуллаев йиғилганларни қутлаб, уларга омад тилади.

Шўх куй ва қўшиқ садолари янграб, ижодкорларни рақсга чорлади. Ширинликлар тўла дастурхон ҳам болаларнинг кўнгилларини чоғ қилди.

Тадбир сўнггида ғолиблар эълон қилинди. 1-ўрин Ч.Исмоиловага, 2-ўрин С.Саидахборовага ва 3-ўрин Д.Жалиловга насиб этди.

* * *

Шу куни бу маскан Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Фахрия аёллар" уюшмаси аъзолари-эл-юрт учун қилган меҳнатлари билан эъзоз топган, оилада, жамиятда ўз ўрнига эга, ҳаётлари ибратга лойиқ онахонларимизнинг файзли чеҳралари билан янада нурафшон бўлди. Бир пиёла чой устида файзли суҳбат бўлди. Тошкент шаҳар "Оила" маркази бошлиғи Г. Йўлчиева, олималар — Қ. Абдуллаева, С. Умарова ва бошқалар сўзга чиқиб, йиғилганларга эзгу тилакларини изҳор этишди. Уюшма раиси С. Шодиева ҳамда Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Шарипова фахрий аёлларга совғалар улашдилар.

Ҳар иккала тадбирга истироҳат боғи маъмурияти ҳомийлик қилди.

**Ўз мухбиримиз.**
**М. МИРСОДИҚОВ фотолари.**



*Руҳият манзиллари*

# РОБИЯ АДАВИЯ

Шарқ илм-фани тарихида ўтмиш машойихлар ҳаёти, ижодий фаолияти, риёзат ва кароматлари тасвирига бағишлаб асар - тазкира ёзиш ўзига хос ижодий бадиий анъана ҳисобланади. Фаридиддин Атторнинг "Тазкиратул авлиё" (XII аср), Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" (XV аср), Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат" (XV аср) Султон Муҳаммад Дорошукуҳнинг "Сакинатул авлиё", "Сафинатул авлиё" (XVII асрнинг I ярми), Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг "Тазкиратул авлиёи туркий" (XIX аср) тазкиралари ана шундай моҳиятдаги асарлар ҳисобланади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу тазкираларнинг барчасида эркак машойихлар билан бир қаторда 30 дан зиёд ҳақ аҳли - аёл шайхлар ҳақида ҳам ғоятда диққатга молик маълумотлар, уларнинг ҳикматли сўзларидан намуналар, кароматлари хусусида кўпдан-кўп ривоятлар келтирилган.

Робия Адавия ана шундай буюк авлиёлардан бири ҳисобланади. Тасаввуфда асл муҳаббат - ишқи илоҳий ғоясини озод тарғиб этган биринчи мутасаввуф аёл - Робия 718 йили Басра шаҳрида замонасининг буюк донишманди Исмоил Адавия хонадонида таваллуд топган. Қиз оиланинг тўртинчи фарзанди бўлгани учун унга Робия, деб ном қўйдилар. Робия гўдаклигидаёқ қароқчилар томонидан ўғирланиб, қулдорларга сотиб юборилади. У туғма шоира ва раққоса бўлганлиги учун халқ қўшиқларини маҳорат билан ижро этадиган лапарчи-хонанда бўлиб етишади. Кундан-кунга шуҳрати ортиб, халқ меҳрини қозониб, мартабаси ошиб бораётганлиги учун хожаси уни озод этади. Шундан сўнг Робия ишқи илоҳийга берилиб, бир неча йил саҳрода чодирнишинлик қилади. Басрага келиб, Ҳасан Басрий ва бошқа устозлардан тасаввуф назарияси бўйича сабоқ олади, илоҳий ишқ борасида устози билан мунозаралар ўтказади.

Шундай бир ривоят бор: кунлардан бир кун Робия бир қўлида оташ, иккинчи қўлида сув кўтарган ҳолда кўчада кетаётган экан.

- Бу не ҳол, буларни нима қилмоқчисиз, - сўрашибди уни ўраб олган оламон.

- Олов билан жаннатга ўт қўяман, токи одамлар биҳиштга кириш умиди билан ибодат қилмасинлар, сув билан эса дўзах оташини сўндираман, токи одамлар бу қўрқинч азобидан абадул-абад қутилсинлар, - жавоб берибди Робия.

Зероки, унингча Аллоҳга муҳаббат, ибодат таъмасиз, чин бўлмоғи, унинг қилган иноятига, берган умрига, неъматларига шукроналик билан адо этилмоғи лозим.

Робиянинг ақидасича, маърифатнинг асл моҳияти ишқи илоҳийдир. Унинг таълимоти асосида одам ва олам бирлиги масаласи ётади. Шунинг учун ҳам Робия ғоявий ниятининг асосини пок аҳлоқ садоқатли ишқ, юксак даражадаги инсонпарварлик, ақидада собитлик ташкил қилади. "Тазкиратул авлиё", "Сакинатул авлиё", "Кашф-ул маҳжуб" асарларидаги маълумотларга қараганда, Робия Адавия умрининг охирги йилларини Байтул муқаддасда ўтказиб, 781 йили шу ерда вафот этган.

Робия араб тилида кўплаб қўшиқ ва шеърлар яратган. Араб адабиёти ва тасаввуф тарихига доир сарчашмаларда, Фаридиддин Атторнинг "Тазкиратул авлиё", "Мантиқ ут-тайр" асарларидаги Робиянинг шеърларидан намуналар келтирилган. Ўтмиш тазкираларида Робия Адавиянинг кароматлари, шижоатлари, ҳар хил тоифадаги машойихлар билан бўлган баҳсу мунозаралардаги зукколиклари ҳақида кўплаб нақллар мавжуд. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг "Тазкиратул авлиёи туркий" асарида махсус "Робия Адавия зикри" берилган. Унда айрим байтлар билан бирга 50 дан зиёд турли характердаги нақллар баён қилинган. Уларда Робия Адавия замонасининг забардаст олимаси, ҳозиржавоб шоира, исломий билимларнинг зукко донишманди сифатида гавдаланади.

**Севара АЛИМБОЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг I босқич магистранти.**

**II. Эгов**

Эгов - ҳамиша фойдали меҳнат қуроли саналиб келинган. Унинг: юмалоқ эгов, ялпоқ эгов, йирик тишли эгов, майда тишли эгов, уч қиррали эгов каби турлари мавжуд. У асбоб-ускуналарни чархлаган, ўткирлаган, пардозлаган. Метал ва ёғоч буюмларга сайқал берган. Пичоқ - ўроқ, теша-болта, кетмон каби қўл қуролларини бир зумда ўткирлаб, хўжалик юмушларини илдамлатиб юборишга хизмат қилган.

Қисқаси, эгов аслида қадим-қадимдан яхшиликка, фаровонликка, оғирни енгил қилишга яратилган чилангарлик асбоби. Мажозий, яъни кўчма маънода эса эгов тамомила тескари маънода ёмонликка, низога, уриш-жанжалга хизмат қилган, умрга кушанда бўлган. У баъзан мавҳум ҳолатда ишлатилса, баъзан конкрет нарса - предмет маъносида ишлатилади. Масалан: ичкиликбозлик - умр эгови, асаббузарлик - саломатликка эгов, косибчилик - умрнинг эгови, ёмон эр - хотиннинг, ёмон хотин - эрнинг

Хотин: - Вой, ордона. Мен хўп, деб ётаверсам-у, сиз белингизни бўшатиб олаверсангиз, шунақами? Бекорларнинг мингтасини айтибсиз. Энди мана, кўрасиз... ялинмай ҳам кўринг-чи!

Эр: - Оббо, хотин-ей, заҳаримга бир нарса еб кетай, деб тушликка кирган эдим, заққум егандай бўлдим.

Хотин: - Заққум емайсиз. Қозонда шўрва тайёр. Ҳозир олиб кираман. Бирпас чакагингизни ўчириб ўтиринг...

Энди дастурхон тепасидаги эгов сўзларга эътибор беринг...

Эр уйга кириб ўтиргач, бир зум ўтар-ўтмас:

- Эй, олиб келадиган бўлсанг, олиб келмайсанми, овқатингни!

Хотин: - Мунча сабрингиз чидамаса?! Мана, олиб кираяпман, заҳарингизга!

Эр: - Шўрвага пиёз тўғрадингми?

Хотин: - Тўғрадим, ҳозир келтираман...

- Қачо-он пиёз келар экан, деб ўтирамanми?!

- Ўтирмайсиз... Мана... Савил қолгур...

Эр овқатдан бир хўплаган эди, оғзи куйди:

- Иссиқ демайсанми, лаънати, тилим куйди.

лалари эди. Кўринадики, улар яшамаётирлар. Турмуш нашидасини ҳам сурмаётирлар. Балки, бир-бирларининг умрларини эговлаб, бир-бирларининг бахтли-осойишта ҳаётларига зомин бўлиб келар эдилар...

Қўшнилари яқинда уй-жой қилиб кўчиб келган бу эр-хотин муомаласига аввалига ҳайрон бўлишганди. "Мунча кўп уришасизлар, а?" - деб сўраган кунлари ҳам бўлганди. Аммо борабора бунга улар ҳам кўникиб кетишди: "Уларнинг ширин гаплари ҳам шу, жанжал гаплари ҳам шу экан", - дейишди-ю, эътибор бермай қўйишди...

Бир пайт болалар мактабдан келиб қолишди. На салом бор, на алик бор. Ўғил: - Ойи, қаердасиз?

Ойиси: - Даданга ўхшамай кетгур, нега бақирасан? Бу ердаман, нима, мени эмасанми, ер ютгур?!

Қизи: - Ойи, бунингиз йўлда мени сўкди, кейин урди...

Ойиси: - Жувонмарг, синглингни нимага сўкдинг, нега урдинг?!

Ўғил: - У мени эшак, ит деди! Нега унақа дейди? Менинг

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

эгови ва ҳоказо.

Хўш, эр хотинини, хотин эрини қандай қилиб эговлайди? - дерсиз. Улар албатта, ўз қилмишлари, номақбул ишлари, ноўрин, асоссиз хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзлари билан эговлайди. Шундай қилиб, оилавий муносабатларда тил - умр эгови, соғлиқ эгови, фаровон ҳаёт эгови. Демак, тил - эгов! Қандай қилиб? Мана бу биргина оила ҳаётига диққат беринг...

Эр кўчадан уйга кириб келаркан, хотинига:

- Ҳой, қаердасан?! - дейди.

Хотин ичкаридан:

- Бу ердаман. Нега бақирасиз?

- деб жавоб қилади. Эр:

- Бақираётганим йўқ! Чақираяпман!

- Чақираётганингиз шу бўлса, бақирсангиз ўтим ёрилиб кетар экан-да, а?.. Ордона қолгур, мана буни силжита олмаяпман... Тезроқ келиб, ёрдамлашиб юборсангиз, бир нарса бўласизми? - эр хотинининг сура олмаётган зил-замбил шкафини суришар экан:

- Кучинг етмаган нарсага нима қиласан чираниб? Туравермайдими жойида.

Хотин: - Туравермайди... Шкафнинг шу алфозда қийшиқ туриши жинимга ёқмаяпти. Нима қилай?

Эр: - Ўзи, сенинг жинингга нима ёқади? У ёқмаса, бу ёқмаса. Менику, қўявер. Ҳатто, ўғил-қизинг ёқмайди. Эсингдами, мени тўйимизда ҳам ёқтирган эмассан. Сенинг жининг, валлоҳи аълам, ўзи қанақа?

Хотин: - Жиним ўзи шунақа. Ҳохлайсизми-йўқми, бўлганим шу!

Эр: - Бўлганим шу... Бўлганим шу... Бундан бошқа чучукроқ гапинг ҳам борми?

Хотин: - Вой, савил қолгур... Ўзингиз-чи, ўзингиз? Битта ҳам ширин сўзни билмайсиз-ку! Мана, уят бўлса ҳам айтай: кеча кечқурун, ўрнига ётар-ётмасимдан "ечин"! дейсиз. Шу ҳам эрнинг умр савдосидаги ширин сўзими? Нима, мен сизга чўриманми?!

Эр: - Чўри бўлмасанг, нимасан?

Хотин:- Хотинингизман... ё йўқми?

Эр: - Хотин дегани - чўри дегани. Хотин эрга бўйсуниши шарт. Эр бир нарса дедими, дарҳол бажарилиши керак.




Хотин: - У тил эмас, жоним эгови!

Эр: - Вой, занғар, менинг тилим жонинг эгови бўлса, сеники умрим эгови экан-да, а?

Хотин: - Нима қилай, тўғри гапингизни ҳам дўқ-пўписа қилиб гапирсангиз? Са-ал юмшоқроқ гапирсангиз бир жойингиз камайиб қоладими? Қанақа эрлар бор. Хотинининг устида ўлиб қолади. Сиз шунақа бўлинг деяётганим йўқ. Ақалли, одамларга ўхшаб муомала қилинг, ҳадеб, силталайвермай, деяпман...

Эр:- Силталаб нима қилдим? Шўрванг иссиқ экан, тилим куйди, дедим, холос. Хўп, бўпти, бор, чойингни олиб кел. Ишдан кечга қоламан...

Эр овқатини наридан-бери ичди-ю, юзига фотиҳа тортиб, ишига жўнаб кетди. Хотин бир ўзи қоларкан, "уф" тортди. Иш қилиб эмас, эри билан бекордан-бекорга ади-бади дейишиб чарчади, асаблари ўйрикди. Ҳолбуки, улар ҳатто, бир нарса устида уришганлари ҳам, жанжаллашганлари ҳам йўқ эди. Бу - уларнинг ўн йилдан бери бирга туриб, бир-бирларига қилиб келган оддий кундалик муома-

қаерим эшакка ўхшайди?!

Ойиси: - Бўпти, бўпти, дадангдан ўргангандир-да. Ечининглар, мен ҳозир овқатларингни олиб келаман...

Қани, онаизорнинг саломга ўргатган, ширин муомалага чақирган таълими, шакар сўзи, эркалаган, ардоқлаган тили? Йўқ. Унинг тили эговга айланиб бўлган. Эрхотин умр бўйи бир-бирларини мана шу хилда эговлаб, ранглари сариқ, этлари орик бўлиб келган. Энди бўлса, фарзандлар ҳам бир-бирларини эговламоқда. Таълим-тарбия, одоб-аҳлоқ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Оилавий бахт, деган тушунча уларга мутлақо ёт... Уларнинг турмушига қараб туриб: "Улар дунёга нега келдилар, нима қилмоқчи эдилар-у, нима қилдилар, энди ўзларидан кимларни, нималарни қолдириб кетадилар?" дегинг келади...

Бунга кимнинг ақли етади-ю, кимнинг ақли етмайди?.. Афсус...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

Мактубингизни ўқидик

# АСРАНДИНГИЗГА МЕҲР БЕРА БИЛИНГ, АММО...

**“Асрандим—жигарбандим”,-26-сон.**

*ЭСЛАТМА: Азимжон Қосимовнинг ушбу мақоласида фарзандликка олишнинг турли сабаб-муаммолари қаламга олинган эди. Айни дамда муаллиф мақола хусусида таҳририятга келган хат соҳибларига жавоб йўлламоқда.*



**НАРГИЗАХОН!** Менинг “Оила ва жамият” газетасида босилиб чиққан “Асрандим-жигарбандим” номли мақоламни ўқиб бағоят таъсирланибсиз, ҳис- ҳаяжонлар оғушида қолибсиз. Айрим фикр-мулоҳазаларимдан тўлқинланиб, баъзиларига қўшилибсиз, баъзиларига эътироз билдирибсиз. Мавзунинг ўзи шунақа. Ҳамиша мунозарали бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак. Бола асраб олиш хусусида бирон бир расмий ёки инсоний жиддий тавсия бериш мушкул. Мен эса ўз фикр-мулоҳазаларимни мунозара- мушоҳада тарзида баён этдим.

Энди, сиз сўрагандек, нима учун мен бу мавзуга қўл урганимга келсак, мен 67 ёшимда бола асраб олишдек жаннати ҳимматларни кўп эшитдим, шоҳиди бўлдим, кузатдим. Қарасам, бу жуда савобли иш бўлиши билан бирга, ўта мураккаб масала экан. Мен табиатан болаларни севаман. Уларга доимо қайғудош, қувонқдош бўлишни истайман. Боланинг кўз ёши ўз уйимда ҳам, кўча- кўйида ҳам жигарбағримни эзади, нимталайди. Мен болалар уйига, етимхоналарга бора олмайман. Юрагим кўтара олмайди, деб қўрқаман. Шу ва маҳалламиздаги бир одам ўзаро сўзлашаётиб, «Етим кўзи асрасанг-оғзи-бурнинг мой бўлур, етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон бўлур»,-деб айтган номақбул мақол мени шу мавзуда фикр билдиришга ундади.

Сиз-Наргизахон 12 йил фарзандсизлик қайғусида юриб охири бир ҳафталик чақалоқни асраб олибсиз. Ҳимматингиз, мурувватингиз таҳсинга сазовор, офарин! Сиз ёзасиз: **- “Мен шундай қилганманки, бу ҳақиқатни уч кишидан бошқа ҳеч ким билмайди”,**- деб. Булар менинг назаримда: ўзингиз, турмуш ўртоғингиз ва ўша- болани туққан аёл. Шундайми? Шундай бўлса, бир нави. Борди-ю бегоналар аралашган ёки воқиф бўлганлар бўлса, у ҳолда “сир”нинг тағи бўш бўлибди. Сал йиллар ичида уч киши 30 кишига ортиши ва охироқибат бола қулоғига етиб келиши турган гап. Илоё, шундай бўлмасин. Ўз ниятларингизга, мақсадларингизга, орзуларингизга етинг. Бола ўзининг асранди эканлигидан огоҳ бўлиб қолмаслиги, ҳамма учун, шу жумладан боланинг ўзи учун ҳам беназир, бебаҳо бахт! Сизнинг бу ишингиз, назаримда, мен мақола охирида “болани ҳар ерга эмас, балки болажон оналарга розиризолик билан расмийлаштириб бериб кетиш энг мақбул йўл”, деганимдек иш бўлибди. Сизни тушунмай қолган ерим бўлса, узр...

Болангизнинг қон гуруҳи сизники билан бир хил чиққан бўлса, бу сизнинг омадингиз, толемандлигингиз, табриклайман! Лекин бола наслини қон гуруҳи белгилаб бермайди. Балки ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) деб аталувчи асосан хужайралар орасида бўладиган ва генетик-ирсий ахборотларни наслдан-наслга кўчириб юрадиган биологик полимер белгилаб беради. Бу- ўта мураккаб анализлар орқали аниқланиб, суд- экспертиза амалиётида қўлланилади. Майли, бунинг сизга алоқаси йўқ, янглишиб юрманг демоқчиман, холос.

Энди, 6 йил ичида унинг сиймоси сизнинг сиймоингизга ўхшаб кетган бўлса ва бу аниқ бўлса, буни ҳам шарафламоқ керак! Негаки, бу бир- бирини қаттиқ севган, бир- бирига астойдил талпинган, меҳр берган одамларда бўладиган ҳодиса. Нафақат ўгай бола онага ёки отага, балки меҳр- оқибатли эр- хотинлар ҳам бора- бора баъзан бир- бирларига ўхшаб кетадилар. Бу- ардоқланган инсон ҳис- туйғуларининг ҳосиласи бўлса, ажаб эмас.

Бола эсини танигач, онасини қидириб топиб, сиз менинг онам эмассиз, деса-ю (жуда камдан- кам учрайдиган ҳол), онаси уни бола кутгандек қабул қилмаса, бу ҳақда ҳам бирон бир жиддий тавсия бериш қийин. Бу кўп жиҳатларга, шу жумладан одамийликка, оналик туйғуларига, шарт- шароитга, бола ва онанинг ақл- фаросатига, психологиясига боғлиқ.

Бола ўсмир ёшида “сир” дан воқиф бўлиб қолса... , деган фикрингизга мақоламда ўрин берилган. Уни яна бир марта синчиклаб ўқиб чиқинг...

Сиз, сингилжон, мактубингизнинг бир ерида, янглишмасам, болага ростини айтиб нима қилдик? “Сир”ни ошкор қилмасак нима бўлади? Ахир бола асраб олишда кўзланган ниятларга кейин футур етади-ку? -демоқчи бўласиз. Тўппа- тўғри, сиз фикрингизда ҳақсиз. Мен мақоламда “Кўплар “сир”ни ошкор қилмайдилар”,- деган жойим бор эди. Буни мен аввалдан билардим. Бу- ўта жиддий, ўта мураккаб муаммо. Бу ҳақда андазали маслаҳат бериш қийин. Ҳар ким ўзича, ўз билганича йўл тутади ва лозим бўлиб қолгудай бўлса, ўзи жавоб беради. Бировнинг шароити, дунёқараши, турмушидан чиқарган хулосалари, қолаверса, савия- салоҳияти бошқа бировларникига тўғри келмайди. Мен берадиган маслаҳат, жоиз бўлса, жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Аммо бола ўзининг кимлигини тасодифан кўчадан эшитиб қолгандан кўра, унга, унинг қулоғига гўдаклигидан бошлаб ётиғи билан тушунтириб келган бир қадар маъқул, деб ўйлайман. Бунинг ҳам йўл- йўриғи хилма- хил. Мана мен ўзим ҳам шундай деяпман-у, бунинг нақадар мушкул эканлигини ҳис қилиб турибман. Чунки инсониятнинг ўзи бир жумбоқ. Боланинг улғайиб ,ақл-хушини топиб бу ҳақда шакл-шамойил оладиган дунёқараши яна ҳам жумбоқ!

Болани унинг ижтимоий келиб чиқишига қараб танлаш керак, ҳам демайман. Сабаби, нафақат асранди, балки умуман болаларнинг келажакда ким бўлиб етишишига олдиндан ҳеч ким фатво бера олмайди. Бу биз билган, билмаган жуда кенг омилларга боғлиқ!

Тўғри, кўп боласизлар (ёки болалилар ҳам) бола асраб олиб зиён- заҳмат кўраётганлари йўқ. Асранди болалар ўзларини боқиб катта қилган ота- оналарини ташлаб кетаётганлари ҳам йўқ. Соғлом ҳаёт кечириб келаётган оилаларда мен бунинг аксини учратмадим. Дунёда қанчадан- қанча етим болалар уларни фарзанд қилиб боққан ота- оналарига қариган чоғларида мурувват кўрсатиб, невара- эваралар ато этиб, бир жон- бир тан бўлиб яшаб келмоқдаларки, мен уларни фақат олқишлайман!...

* * *

**Муҳтарама ҲИЛОЛАХОН!** Сизнинг ҳам рўзномага йўллаган ва мендан баъзи маслаҳатларни сўраган мактубингизни олдим. Асраб олган ва ҳозирда 5 яшар бўлган қизалоғингизга Аллоҳ таоло берган марҳаматларини ўқиб ниҳоятда қувондим. Боланинг шу ёшида барча ҳарфларни таниб олиши, 24 та шеърни ёддан билиши, эртакларни “қойилмақом қилиб айтиб бериши”, “гўзал расмлар чизиши” чиндан ҳам унга “Худо назар солган” дейишга асос бўла олади. Айниқса, “сени 100 000 сўмга сотиб олганмиз”,- дея ярми чин, ярми ҳазил гапларингизга жавобан у: “Йўқ, Художон мани сизнинг қорнингизга солиб қўйган”,- дейиши унинг ақли теран, фаҳми зукко бола эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Боланинг келажакда ким бўлишини, қанақа инсон бўлиб етишишини билиб бўлмайди, деб юқорида айтиб ўтган фикримни сизнинг болажонингиз тасдиқлаб турибди экан. Ҳа- да, боланинг мияси оппоқ қоғоздек бўлиб туғилади. Келажакда унга у нималарни ёзиб олади ва кейин сиз билан бизга қандай қилиб ўқиб беради Тангри таоло берган лаёқатига боғлиқ.

“ Кесерово сечение” -кесерча ёришдан қолган қорнингиздаги операция чандиғини қулоғига илиб олиб ориятли масалада сизни хижолатдан қутқариб қолган болангизга офарин! Ҳақиқатан ҳам, кўп болалар ўзларини қандай қилиб дунёга келганликларини билмайдилар. Буни болалар билиши уят, деб қарашимизнинг оқибати бу, албатта. Холбуки, табиий саналган фарзанд дунёга келишини уларга ётиғи билан, пардали қилиб тушунтириб бериш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Сингилжон, сиз қизингизни бир толиба аёлдан олибсиз. Сиз бу қилмишингиз билан ҳам гўдакни безиён, безаҳмат асраб қолгансиз, ҳам толибани шармандаю шармисор бўлишидан сақлаб қолгансиз. Оқибатда талаба биров билиб, биров билмай турмушга чиқиб ўз бахтини топиб кетган. Чақалоқ эса сиздек меҳрибонлар қўлига келиб тушган ва ёзишингизча, ҳозир бахтиёр болалигини бошидан кечирмоқда.

Энди, сизнинг “сир”ни фарзандингизга очишингиз кераклигига келсак, маслаҳатим шу: қизчани бир толибадан олганлигингиздан бегона 2-3 киши хабардор бўлса, буни “сир” тутишга ўрин қолмайди. Бир кунмас- бир кун бу унинг қулоғига етиб келади. Борди-ю ҳеч ким билмаса, у ҳолда онасидан эшитмаслигига ишончингиз комил бўлса, “сир”ни яширганингиз маъқул бўлади. Сизнинг ҳомиладор пайтингизда кесерча ёрилган қорнингиз болангизга ишончли далил бўлиб қолади. Аммо толиба аёлнинг кейинги ҳаёти қандай кечади, сизга берган зурриёди ҳақида қандай фикрлайди, бу ҳам кишини ўйлантириб қўядиган ҳолат. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Умуман олганда, муқаддас Ислом динимизда бола кимнинг фарзанди бўлишидан қатъи назар, у “ўз” ота- онасини билиши даркор... Ҳа, афсуски, билишнинг имкони бўлмаган ҳоллар ҳам бор...

Нима бўлганда ҳам, бола ўзини шу ота-онаси асраб олиб, боқиб катта қилаётганини билиши кўча-кўйда ҳам, таниш-билишлар орасида ҳам, аввало боланинг ўзини, қолаверса, ота-онасини кўп хижолатбозлик ва андишалардан қутқариб қолади ва кўнгилларидан бир дақиқа ҳам кетмайдиган қўрқув, ҳадиксираш, эҳтиёткорликдан озод этади. Боланинг асранди эканлигини сир тутиб, умр бўйи ҳижолат ва ҳадикда яшагандан кўра, боланинг қисматини очиқ- ойдин қилиб олиб яшашнинг, ўрни бўлса фахрланишнинг афзаллиги, тинчлиги, гўзаллиги шундадир.

Ҳилолахон, қизалоғингиз зукко экан, таълим- тарбияни бўшаштирманг. Умуман, сиз каби онахонларга айтадиган гапим шуки, бола асраб олдингизми, унинг келажакда ақлли-хушли, таниқли, зиёли, касбкорли, меҳнатсевар, кўнгил олар инсон бўлиб етишишида кўмакдош бўлинг. Маълум вақтгача у сизнинг хизматингизда эмас, балки сиз унинг хизматида бўлиб туринг, мевасини кейинроқ тотурсиз.

Асрандингизга меҳрингизни бера билинг, эркалай олинг, бағрингизга босинг, қош-кўзларидан ўпинг. Аммо қаттиққўллик ҳам қилинг, талаб ҳам қила олинг. Айбини, гуноҳини кўзига кўрсатиб жазолашни, танбеҳ беришни ҳам ўрганинг. Акс ҳолда бола худбин (эгоист) бўлиб ўсади, қаттиқ гапни кўтара олмай улғаяди. Бунинг оқибати эса хайрли бўлмайди. Буни унутманг. Бунга ҳам тирик мисоллар талайгина...

Бинобарин сизни бола асраб олишдек ҳимматингиз бу дунёда одамлар наздида, жамият кўз ўнгида, у дунёда эса Аллоҳ таоло ҳузурида тақдирланмай қолмас. Бугина эмас, Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом (САВ) ўзларининг муборак ҳадисларида ким етимнинг бошини силаса, уни боқса у жаннатга тушажак ва мен билан мана “бундай” бўлади, дея кўрсаткич бармоқлари билан ўрта бармоқларини жуфт қилиб кўрсатган эканлар. Биз учун олий ҳакам Муҳаммад (САВ) шундай ҳадис қолдириб кетган эканлар, яна қайтараман, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам Тангри таолонинг ажр- мукофотига сазовор бўлурсиз иншооллоҳ,..!

**Азимжон ҚОСИМОВ.**

Oila va jamiyat № 30 (821) 26 июл — 1 август 2007 йил Оила ва жамият 




**“Мен запасдаги куёв эканман”,-21-сон.**

**ЭСЛАТМА: Самарқанддан Тошкентга келгач, ўқишга кирдим. Битиргач, кичик дўкон очиб ишлай бошладим. Тошкентлик бир қиз билан танишдим. Севгилимнинг қулоғи яхши эшитмас экан. Ота-онаси мен ҳақимда билишгач: «Аввал қулоғингни операция қилдирамиз. Тузалсанг бой-бадавлат йигитга, бўлмаса ўша қишлоқига тега қоласан»,-дейишибди. Бу гапни эшитиб ҳам унга уйланайми? Ёки...**

**Муаллиф: Гулбашакар**

# ОРЗУЛАР АРМОНГА АЙЛАНМАСИН

Ушбу кўнгил изҳорини ўқиб, воқеалар гирдобидан чиқа олмадим.

Эллик йиллар муқаддам илмий текшириш институтида бирга ишлаган Фарҳод исмли дўстим бўларди. Ишимиз, дунёқарашимиз бир бўлгани учун яқинроқ эдик.

Кунларнинг бирида у туғилган кунига тушликка таклиф қилди. Фарҳоднинг дадаси нуфузли газеталардан бирининг бош муҳаррири, онаси матбуот ходими экан. Шаҳар марказидаги хонадон анвойи гуллару кўкатларга тўла. Зимдан кузатар эканман, уч-тўрт кишига тузалган катта дастурхонда жондан бошқа ҳамма нарса бор. Қисқа тушлик вақти тугаяпти. Бир маҳал қора сочлари елкасини қоплаган, истараси иссиқ қиз ҳамма билан саломлашиб, пирожний ва кофе келтирди. Бўш идишларни йиғиштириб оларкан, узоқроқ термулиб қолди. Майин жозибали табассумидан вужудимда чумоли ўрмалагандай ноқулай сездим ўзимни. Бизларни қўйиб юборгиси келмаётган Фарҳоднинг онаси остонагача кузатиб чиқди.

- Суҳбатимиз чала қолди, келиб туринг,-дея елкамга оҳиста қўлини қўйиб бағрига тортаркан онамдек меҳрибонликни, эски қадрдонлардек яқинликни туйдим. Шу- шу бўлди-ю, Суюнбека хоним яқин маслаҳатчим, энг нозик ҳис- туйғуларимгача эмин-эркин фикрлаша оладиган устозимга айландилар.

Фарҳоднинг хонадонига тез- тез кири, адабий машқларимни кўрсатиб турар, фикрларини сўрардим. Суюнбека хоним ҳар гал илиқ қарши олар, бир зумда столни турли ноз- неъматларга тўлдириб, гоҳи-гоҳида талаба қизи билан ҳоли қолдирарди. Ҳар қанча уринмай, қизнинг юрагига қўл солиш у ёқда турсин, гапни нимадан бошлаб, қандай тугатишни билмасдим.

Нечанчи курсни битирдингиз, нималарга қизиқасиз, деғунимча қаро терга ботиб кетардим. Суюнбека хоним узоқдан жилмайиб келиб, вазиятни юмшатиб қўярдилар. Менга Гулядан кўра Суюнбека хоним билан суҳбатлашиш осон кечарди. Онани яратмасин экан, мулойим боқишларидан, қизига тагдор куёв қилиш умиди бордек эди.

Шу зайлда кунлар ўтаверди. Кутилмаганда ҳарбий хизматга чақирилдим. Хизматимнинг иккинчи йили Суюнбека хонимдан конверти қалинроқ хат олдим. Конвертда оналарча меҳр билан ёзилган мактуб ва менинг “Тошкент ҳақиқати” газетасида босилган “Тоғдан топилган бахт” номли ҳикоям бор эди.

Шу-шу Суюнбека хоним билан ёзишмамиз узоқ давом этди. Уч йиллик хизматимда 17та мактуб олдим. Аскарлик бурчимни адо этиб қайтганимда, Гуля ўқишни тугатиб, ўзи ўқиган даргоҳда дарс бераётган экан. Учрашдик. Унинг кўзларида аввалги ҳароратни сезмадим. Кимгадир унаштирилганини эшитдим. Юракка буйруқ бериб бўлмаскан, у кўнгил иши. Вақтида озгина дадиллик, қатъият етмагани учун орзуларим ушалмас армонга айланди. Запасдаги куёвлигимча қолиб кетдим.

Қадрли Зиёдилла, ўзингиз таъкидлаганингиздек, ақлингиз амрига қулоқ тутинг, дадилроқ ва қатъиятли бўлинг. Орзулар армонга айланмасин.

**Ҳикмат МАҲСУМОВ**

# БУНДАЙ ТАДБИРЛАР КЕРАКМИ?

**“Сўнгги қўнғироқнинг ғалваси” 26-сон**

**ЭСЛАТМА: Кейинги пайтларда мактабларда «Сўнгги қўнғироқ» тадбири ўтказиладиган бўлиб қолди. Ҳатто, 4 синф ўқувчилари орасида ҳам шундай тадбир ўтказилганига гувоҳмиз. Бу одат қаердан пайдо бўлди? Бунақа «тадбир»лар илгари бўлмаган-ку! Муаллимларчи, улар қаерга қарашаяпти?**

**Муаллиф: Фарида Тоҳирова**

Мақола муаллифи куйиниб ёзганидай, дарҳақиқат, сўнгги йилларда мактабларимизда антиқа, бир-биридан ғаройиб кечалар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тадбирлар уюштирилаётгани тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Шундай пайтларда ўйланиб қоласан киши, ахир бир пайтлар биз ҳам ўқувчи бўлганмизку! Бизнинг давримизда умуман бошқача бўлган. Ўқувчи ўқувчига ўхшар эди. Энди-чи? Ҳозир ўқувчининг билимига қараш йўқ. “Алиф” билан калтакнинг фарқига бормаса ҳам бойроқ оилалар фарзандларининг баҳоси ҳам, мартабаси ҳам юқори.

Ўқишга ҳалол, ўз кучи билан кираётган ҳақиқий билимдонлар ҳам учраб туриши бор гап. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Лекин ўқувчига ўша ҳақиқий билимни берадиган фидоий, жонкуяр ўқитувчилар камайиб кетди. Ҳозир аксарият ўқитувчилар (виждонлилари мени кечирсин) таъмагир бўлиб кетишган. Ўқувчиларнинг мактабдан, ўқишдан кўнгли севиб кетаётгани сабаби ҳам шундан. Биз ўқитувчиларимизга йилда 2-3 марта: биринчи қўнғироқда, ўқитувчилар кунида, аёл ўқитувчи бўлса 8 мартда ва сўнгги қўнғироқда гул ёки открытка совға қилганмиз. Нари борса, биронта китобми, атир-упами қўшганмиз. Мактабда 10 йил ўқиб, энг яқин ўқитувчиларимизнинг ҳам таваллуд кунларини билмаганмиз. Ҳозир керак бўлса, ўқитувчининг ўзи ўқувчиларга туғилган куни қачон эканлигини ва пул йиғиб унга нима совға қилишлари кераклигини шипшитиб қўяяпти. Сал инсофлироғи, бу ишни бошқа ҳамкасби орқали амалга оширяпти. Навбати келганда ўша ҳамкасби учун энди бу ўқитувчи жон куйдирворади. Қарабсизки, ўқитувчининг туғилган кунигами, 8 мартгами ёки бошқа бирор тадбир муносабати билан ўқувчилар, тўғрироғи ота-оналар кенгаши, “чин юракдан”, кўнгилдан чиқариб, ўқитувчига тилла тақинчоқми, гиламми ёки бошқа бирон-бир ўқитувчи шипшитиб қўйган қимматбаҳо совғани туҳфа қилади. Ўқитувчи ҳам хурсанд, бу ишга бош қўшган ота-оналарнинг фарзандлари ҳам хурсанд - баҳолари “беш” бўлиб турибди-да. Энди бундай ўқитувчидан нимани ҳам умид қилиш мумкин. Улар ўқувчиларни тайёрлаб, уларга шеърлар ёдлатиб, қўшиқ-рақслар ўргатиб тадбир ўтказишдан кўра осон йўлини, ота-оналардан пул йиғиб, бирон-бир кафедами ёки бирон-бир ўқувчининг уйидами артистларни, видеочиларни чақириб, тўйдай қилиб ўтказишни маъқул кўришаяпти. Қийналиб ўқувчиларни тадбирга тайёрлаб ҳам юрмайди.

Ахир ўзингиз бир инсоф билан танангизга ўйлаб кўринг. Бундай кечалар 4-синф битирувчиси учун керакми? Мен ҳатто 9 ва ҳатто 11 синф битирувчилари учун ҳам бундай кечалар уюштиришни жиддий ўйлаб кўриш керак, деб ҳисоблайман. Менимча, бўлар-бўлмас мусиқага қилпанглаб рақс тушгандан кўра, ўқувчилар ўзлари шеърлар ўқиб, спектакллардан кўринишлар ижро этиб, маълум бир сценарий асосида тадбир тайёрлашса, бир умр эсда қоларли, фойдали тадбир бўлади.

**Равшан ИСОҚОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Она қизим, сен Фарҳод билан тўй бўлган кечанг, дугонанг куёв жўра Аҳмад билан танишибди. Аҳмаднинг севган қизи бор экан. Дугонанг Аҳмадни, ўз квартирасига таклиф этибди. Дугонанг орзусига ҳийла билан етибди. Аҳмад ўзининг севган қизидан қайтишга мажбур бўлибди.

Дугонанг билан Аҳмад турмуш қурибдилар. Икки фарзанд кўрибдилару, лекин, иккиси ҳам, уларнинг пешоналарига сиғмабди. Оқибатда ажралишибдилар. Икки ўғил, икки қизинг бор экан. Дугонанг билан бирга шаҳар шифохонасининг болалар бўлимига ишларкансизлар. Дугонангнинг уйига йўқлаб бориб, дугонанг билан эрингни хиёнати устидан чиқибсан. Гулнора дугонанг талвасаға тушибди... Сен аччиқ устида ажралишмоқчи бўлибсан. Аммо 4 фарзандингни ўйлабсан. Ҳа, сенда оналик меҳри устун-да! Дугонанг сенга хат ёзиб, кечирим сўрабди. Сен касалманд дугонангни кечирибсан. Яхши инсонсан-да қизим. Сен эрингни кечир. Ул ҳам дугонангнинг хоҳиш-истаги билан хирсга қўл урди. Болаларинг ҳурмати эрингни кечиришга ҳақлисан, она қизим.

**Эргаш АТОЕВ**

# ХИЁНАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

**“Дугонамни кечирдим, аммо”, 1-сон.**

Уруш йилларидан кейинги йиллар оғир вақтлар эди. Мен паспорт столида ишлардим. Бир куни жуда келишган гўзал бир аёл паспортини йўқотиб қўйгани, иложи бўлса, унга тезда паспорт олишга ёрдам беришимни сўради. Одат бўйича мен у билан суҳбат ўтказдим. У аввалига кўз ёш тўкди. Кейин ўзини қўлга олиб, бошига тушган бахтсизлик ҳақида менга гапириб берди.

- Эрим билан педагогика институтида ўқиганимизда севишиб, турмуш қургандик,- дея сўз бошлади у. - Биз ҳали бир ой ҳам турмуш лаззатини кўрмасдан уруш бошланди. Эрим урушга кетди. Эрим билан мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётгандик. Бизга ўқитувчилар ётоқхонасидан бир хонали уй беришганди. Мен— ёш келин шу бир хонали уйда ёлғиз қолдим. Кечаси уйда тикувчилик, кундузи мактабда ўқитувчилик қилардим. Эрим протез оёқ билан урушдан қайтди. Ҳали бирга ишлаб ҳам, бирга яшаб ҳам улгурмагандик. Шу вақтда Хоразмдан менинг синглим келди. У ўқишга кирмоқчи бўлиб келганди (Асли хоразмликмиз). Синглим жуда гўзал, энди 18 ёшга кирган оппоққина қиз эди. Ширин сўзи билан ҳар кимни ҳам маҳлиё қила оларди. Мен ишдан келиб, чарчаб ётиб қолардим. Синглим эрим билан кечалари суҳбат қуриб, ўтирадиган бўлиб қолди. Дарсга эрта кетсам, у эрим билан ёлғиз қоларди. Бундан кўнглимга ҳеч қандай шубҳа келмасди. 6-7 ойларча вақт ўтди. Қарасам, синглимнинг қорни катта бўлиб, унинг ҳомиладор экани аён бўлди. Синглимдан “бола кимдан”, деб сўрадим. У эса ҳеч қандай андишасиз:

- Келган кунимдан бошлаб, поччамни севиб қолдим. Биз поччам билан эр-хотиндай яшай бошладик. Ундан ҳомиладор бўлдим,-деб ҳаммасини бўйнига олди.

— Опа, сиз барибир бола туғиб бера олмадингиз. Мен энди у кишига туғиб бераман,- деди. Бу сўзларни эшитиб, мен тош бўлиб қотиб қолдим. Шу куни ишга ҳам бормай, Хоразмга кетиб қолдим. Ҳамма нарсани унутиш учун у ерда ишга кирдим. Синглим эрімдан ўғил фарзанд кўрди. 3 ой ҳам вақт ўтмай, телеграмма келди. Телеграммада эрим оғир аҳволда касалхонада ётгани, тезда боришим кераклиги ҳақида айтилганди. Тезда Тошкентга етиб келдим. Йўлда кетаётганда машина уни уриб юборган экан. У касалхонада ётганида ҳеч кимни кўришни истамай, фақат мени Хоразмдан чақиришларини врачларга илтимос қилиб ялинибди. Врачлар мени кутиб туришган экан. Мени тезликда унинг олдига киритишди. У мени кўриб йиғлаб юборди. У зўрға-зўрға гапирарди: “Мен фронтда жанг қилиб, қаҳрамон бўлиб келдим. Уйга келганимда шайтон йўлига кириб, умр йўлдошимга, севикли ёримга хиёнат қилдим. Дунёдан ўзимга нисбатан нафратланиб ўтаяпман. Сендан кечирим сўрашга мен ҳақсизман”, - деб жон берди. Бу аёлнинг дарду аламларини эслаб, анча йиллар ўтган бўлса-да, ёшларга сабоқ бўлсин, деб ёздим.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА ҚИЗИ,**
**Тошкент шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Қизим ЖУМАГУЛ!**
Таваллуд айёминг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, бахт-саодат тилаб, дунёдаги барча шодликларни сенга илинамиз.
Яқинларинг

**Синглим Қурбонжон САТТОРОВА!**
50 ёшинг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Фарзандларинг бахтини кўриб юр.
Яқинларинг



**Ҳурматли ОИЖОНИМ!**
Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва ширин ҳаёт тилаймиз.
Турмуш ўртоғингиз ва қизларингиз.
Хоразм вилояти, Питнак шаҳри

**Отажонимиз МИРВОҲИД ака!**
48 ёшга тўлишингиз ва мучалингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга соғомон бўлиб, узоқ умр кўриб юринг.
Хуршида,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани.

# МЕҲНАТ, ИЛҲОМ ОҒУШИДА

*Қутлов*



Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида кўп йиллар ўқитувчилик касбида ишлаб, ҳозирги кунда нафақа гаштини сураётган кекса шоир Турди ака Турсунов (Турсунзода) яшайди.

Турди ака Турсуновнинг отаси фронтга жўнаб, қайтиб келмаган. Онаси Бувсулув ая ўғлини меҳр билан камолга етказди. Турди Турсунов ўрта мактабни битиргач, хўжалик устахонасида темирчиликни ҳам ўрганиб олди. Тошкент чет тиллар институтига сиртдан ўқишга кириб, мактабда ишлай бошлади. Вилоят, туман газеталарида мақола ва шеърлари билан қатнашиб турди.

Ҳозирги кунда ҳам Турди Турсунзоданинг ижоди тўхтагани йўқ. Турди Турсунзода бахтли оила соҳибидир. Меҳр билан улғайтирган фарзандлари турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Яқинда вилоят босмахонасидан шеърий китоби чиқди. 68 ёшини қаршилаётган Турди Турсунзодага шеър ёзишдан, юртдошларингизни ўз ижодингиз билан баҳраманд қилишдан асло чарчаманг, деймиз.

**Раҳим ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Пайариқ тумани.**

# УЗОҚЛАРДАН КЕЛГАН ХАБАРЛАР

*Туш таъбирномаси*

Иш билан чет элда юрган пайтим эди. Бир куни тушимда неварамни йўқотиб, чарх уриб теварак-атрофни қидириб ётган эмишман. Уни излаб юриб, онамларнинг ҳовлиси олдидан чиқиб қолибман. Қарасам, онамлар билан ҳовлиси туташ бўлган амакимнинг уйлари ёниб ётган эмиш. Неварам ҳам эсимдан чиқиб, одамларни бақириб ёрдамга чақираётган эмишман. Негадир теварагимда ҳеч ким йўқ эмиш. Эртасига у ернинг вақти билан соат ўн бирда, бизларда эса соат эрталабки еттида Тошкентга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрадим. Ҳартугул уйда тинчлик экан. Кейин онамларнинг телефон рақамларини терсам, улардан ҳеч ким гўшакни кўтармади. "Ухлаб ётишган бўлишса керак", дедиму, шошиб турганим учун яна ўз ишим билан машғул бўлиб кетавердим.

Эртасига барибир хавотирим босилмади. Онамларникига қўнғироқ қилсам, уйда яна ҳеч ким йўқ. Тағин нима гаплигини билиш учун ўзимнинг уйимга қўнғироқ қилишга мажбур бўлдим. "Бувимлар амакингизникида маъракада ўтирган эканлар", - деди дабдурустдан қизим. Бу гапни эшитиб, капалагим учиб кетди. "Амакингизнинг ўғиллари Иззатилла вафот этибди", - деди қизим гапини аниқроқ тушунтириш учун.

Иззатилла амакимнинг кенжа ўғли бўлиб, эндигина йигирма беш ёшга кирган эди. Ёшлигидан бироз ногирон бўлиб ўсган бу амакивачамнинг кейинги пайтларда аҳволи анча оғирлашиб, томоғидан сув ҳам ўтмай қолган экан. Кейинроқ қизимнинг айтиб беришича, мен уйга қўнғироқ қилганимдан сўнг ҳали уйқудан уйғонмаган қизим бемаҳал қилган қўнғироғимдан қўрқиб кетибди-да, шу заҳоти онамларникига қўнғироқ қилибди. Унинг қўнқироғига ҳам ҳеч ким жавоб бермабди. Шунда уларникига ёндош бўлган рақамга-амакимларникига қилса, бир бегона эркак Иззатилланинг ҳозиргина жони узилганини айтибди. Саросимага тушиб қўнғироқ қилган маҳалим - эрталабки соат еттида унинг ҳам жони узилган экан. Шундан билдимки, тушда уйнинг ўт олиши яхшилик аломати эмас экан.

**Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи**

Ёшлигимизда қарияларнинг "Эҳ, ҳозирги ёшлар, ёшлар...",- деган гапларини эшитиб қолардик. Қарангки, энди ўзимиз ҳам ёшлардан "айб излайдиган" ёшга етибмиз. Қизиғи, ёшлардаги камчиликларни кўриб , ёшлигимни эслайман, гоҳида йўл қўйган хатоларим ёдимга тушади, тавба, дейман...

Янги келинчаклик даврим эди. Жавонгв бир текис тахлаб қўйилган пахта гулли чойнак- пиёлалримни кўриб, кун ора артиб, жойини ўзгартириб завқ билан кузатаман. Бундай тоза чинниларни бисотида йиғиб, ҳадя этган отаонамга меҳрим жўшади, уларни соғинаман.

# ПАХТА ГУЛЛИ ЧОЙНАКЛАР

Кунларнинг бирида хонадонимизга мусибат етиб. ёшгина қайним оламдан ўтди. Картайиб қолган қайнота- қайнонамни қайғуси кўкак ўрлади. У пайтлар узоқ-яқиндан келган қариндошлар уч- тўрт кунлаб ётиб қолишарди. Янги кўрпа- тўшаклар, жавондаги идиш- товоқларим таъзия кунларида иш берди. Яна отамни эслайман, яхшиям уларни бисёр этиб ташлаган эканлар, қўниқўшнилардан сўрамадик, дейман. У пайтда марҳумнинг "қирқи" ўтгунча пайшанба ва якшанба кунлари маҳаллада қариялар ва яқин қариндош-уруғлар келиб, Қуръон тиловат қилишар, уларга ошовқат тайёрланар эди. Хуллас, меҳмон аримасди.

Қайнимнинг "қирқи" ўтгандан кейин ота-онамникига бордим. Онам янги косада овқат сузиб келдилар. Бу рўзғорбоп косанинг бинафшаранг гулига термулиб, отамдан сўрадим:

- Косани яқиндагина олдингизми? Арзонга бўлса керак-а? Менга шунақасидан қирқтача олиб беринг, пулини куёвингиз берадилар, дада. Пахта гулли идиш-товоқларим роса уриниб кетяпти, ҳам таъзия бир йил давом этса...

Дадамнинг қовоқлари уюлди. Овқатдан тўхтаб, онамга таънали, "ана, қанақа қиз тарбиялаганингни кўриб қўй", дегандек қараб қўйдилар.

Онам кўзлари ер сузганча дастурхон попугини химариб ўтирардилар. Отам оҳиста сўз бошладилар:

- Қизим, мен у идиш-товоқларни ишлатиш учун олиб берганман. Қанча ишлатилса, савоби ҳам шунга яраша бўлади. Аввал бу идишларни ишлатиб турингглар, синиб камайса, кейин ўйлаб кўрамиз.

Отамнинг бу ҳикматли сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб туради. Ўша пахта гулли идиш-товоқларни умри узун экан, улардан ўғил-қизимга ҳам бўлиб берганман, лекин ота-онам йўқ...

Ҳа, инсон умри бир пиёладан ҳам қисқа, аммо биз буни англамай молдунё қасдида алданиб юраверамиз экан.

**Хосиятхон ТОҲИРОВА,**
**Оққўрғон шаҳри.**

ҚИССАДАН ҲИССА

# АҚЛЛИ АЁЛ ҲАМИША ҒОЛИБ

Азизим, дарди дунёнгизни очиб қолдингиз—эрингиздан нолидингиз. Турмушингиз жар ёқасида... Сабабкори, оилавий ҳаётда пайдо бўлган бир аёл, учинчи одам... Ҳол-аҳволингизни бошидан охиригача гапириб бердингиз. Маълум бўлдики, сиз бамаъни аёл, яхши хотин, меҳрибон онасиз. Жуда эпли-шудли, оилангиздан тинчиган, эрдан ёлчигансиз. Фаҳмимча, иззатталабсиз. Ва ана шу панд берди сизга-энг азиз, энг севимли кишингизни йўқотдингиз. Туғилган кунингизда узоқда ишда бўлган эр ҳориб- толиб, кеч бўлса-да, етиб келди. Фақат совға-салом олишга улгурмади, на имкон, на фурсати бор эди-да. Йўл азоби, чарчоқдан эзилган бўлса- да, соғинч, меҳр- муҳаббатдан кўзлари порлаган эрни, энг олий мукофот дийдор дея сизнинг висолингизга ошиққан эрни совуққина кутиб олдингиз: "Лоақал гулга ҳам арзитмади-я, севса шундай қилармиди, эссиз умрим"...

Иззатталаблик ақлни мағлуб этди... ва бу моддий ҳою ҳавасларни қамраб олган нолишлар тез- тез такрорланадиган бўлди. Ниҳоят бир куни у кетди... қайтмас бўлиб...

Эр дастурхон атрофида ҳамкасб аёл тўғрисида илиқ гаплар айтди: ақлу фаросати, оқилаю орасталигини мақтади. Сиз бўлса бисотингизда бор гинаю аламларингизни қалаштириб ташладингиз... Дастурхондан файз кетди, овқат совуб қолди, суҳбат қовушмади.

У бўлса беихтиёр Сизнинг гапу ҳаракатларингизни ҳамкасб аёл билан таққослай бошлади... Ва ҳар гал сизнинг жиззакилигингиздан сўнг...

Ақлни ишлатиб, эрингизга маъқул бўла олган ўша аёлни сал олисдан кузатиб, яхши томонларидан ибрат олганингизда, ўз-ўзингизни тарбиялаганингизда эрингиз меҳрини чандон оширган бўлармидингиз...

Дилбарим, Сиз фариштасиз. Сиз маликасиз ва яна минг бир сифатга лойиқсиз. Аммо аввало ақлли бўлинг, Эътибор талаб қилиш мумкин. Аммо меҳрни талаб қилиб бўлмайди, севдириб бўлмайди куч билан. Меҳр- муҳаббатсиз қалб йўқ: гап уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашда. Ва яна билингки, Аёлнинг бахти аввало аёл бўлмоқ, демакки яхши хотин ҳамда бир умрга маъшуқа бўлмоқдир. Ва ҳеч қачон унутманг, машҳур шоир Расул Ҳамзатов жуда топиб айтган мисраларни:

***Ишққа шартми олий мукофот,***
***Ахир, севмоқ ўзи олий мукофот.***

**Бахшанда БОЛТАЕВА,**
**Бухоро вилояти, Ғиждувон шаҳри.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ушбу ҳафтада вақтингизни уйда, оила аъзоларингиз даврасида ўтказинг. Шунингдек, дўстларингизга қарз бермаганингиз маъқул.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ҳафта давомида сафарга ёки саёҳатга чиқишингиз кутилмоқда. Турли ҳужжатлар ва шартномалар тузишингиз учун қулай вақт.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Моддий аҳволингиз яхшиланади. Барча режаларингизни муваффақиятли равишда амалга оширишингиз мумкин.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ўз билимингизни мустаҳкамлашингиз керак. Электр асбобларидан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёткор бўлишингиз лозим. Акс ҳолда муаммо чиқиши мумкин.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Дам олиб, куч-қувватингизни тиклаш имконини берадиган ҳафта. Бу ҳафтада ҳамкорларингиз билан шартнома тузманг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Севган кишингиз билан мулоқотда бўласиз. Қўлингиздан келмайдиган ишни бажаришга уринманг, уялиб қоласиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Ҳамкасбларингиз орасида обрў-эътибор қозонасиз. Ўйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш учун қулай ҳафта.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Спорт мусобақаларида қатнашсангиз кутилмаган ютуқларни қўлга киритасиз. Қариндошларингиз билан баҳслашиб қолишдан сақланинг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Таваккал қилиш яхши натижа беради. Соғлиғингиз ҳақида қайғуринг, ишхонада эса ғийбатга аралашманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ишда ва шахсий ҳаётингизда жиддий ўзгаришлар бўлишиш мумкин. Бироқ дам олиш ҳақида ўйламаганингиз маъқул.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Иш жойингизни ўзгартиришнинг айни пайти. Янги иш жойингизда сизни катта лавозимга кўтаришлари эҳтимоли бор.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).**- Ҳафта давомида ўз истеъдодингизни намойиш этасиз. Фарзандларингиз билан ўзаро меҳр риштасини боғлаш учун имкон топасиз.

# ОМАД ҚАЧОН ЭШИК ҚОҚАДИ?

**Буюк Британияда ва бошқа мамлакатларда омади чопиб, бойиб кетган инсонларнинг ҳаёти ўрганиб, тадқос қилинган. Омаднинг келиши одамнинг қайси буржостида туғилганлигига ҳам боғлиқ экан. Бунга кўра омад барча буржсоҳибларига турлича кўринишда намоён бўлиши кузатилган. Сиз ўз буржингизни билинг ва омаддан дарак берувчи ҳолатлардан огоҳ бўлинг.**

Руҳият сирлари

**ҚОВҒА (21.01-18.02)** буржидагиларнинг тафаккури тиниқ бўлур. Бошқаларга яхшилик истовчи бўлурлар. Янгиликка ўчдир, аммо ҳаракатлари чаққон эмас. Омад сўқмоқларини жуда секинлик билан топадилар. Уларга омаддан дарак берувчи ишоралар тушида эмас, ўнгида намоён бўлур. Катта йўловга дуч келиш - катта омаддан дарақдир. Беихтиёр оппоқ булутлар қаршисидан чиқса, мўлжаллаб бораётган ишлари ўнгидан келади. Буғдойзорни кўриш (тушида) унга ўртача омад қучишдан, даромаддан дарак беради.

**БАЛИҚ (19.02-20.03)** буржидагилар хаёлпараст, аммо истеъдодлидирлар. Ўз меҳнатларини бошқаларга манзур қилиб, обрў-эътибор топа оладилар. Асло ва асло қарамликни хушламайдилар. Бойликсиз ҳам ўзларини бахтиёр сезадилар.

Бу бурж соҳиблари тушида саройларни, аркларни, қальаларни кўрсалар, катта омад қучишлари ҳеч гап эмас. Омад албатта ўз меҳнатидан, пешона теридан келади. Агар тушларида учиб юрсалар, ҳаётда кўп яхшилик кўрадилар ва шукр қиладилар. Кичик омадлар эса бу бурж соҳибларига ҳеч қандай ишорасиз келади.

**ҚЎЙ (21.03-20.04)** буржидагиларда мулойимлик, ширинсўзлик устивордир. Икки томонни келиштиришга моҳирдирлар. Ўз гўзаллиги ва қалбларни илитувчи сўзлари билан омад йўлини оча оладилар. Воситачиликда, акциялар савдосида чиройли иш юрита оладилар. Аммо бошқаларга еталама бўлмасликлари керак.

Омаддан дарак берувчи ишоралар кўпинча тушида аён бўлади. Тушида Қуёшни кўришлик энг катта омаддан даракдир. Осмондаги камалакни кўришлик унинг сирли орзуларини рўёбга чиқишидан дарак беради.

**СИГИР (21.04-21.05)** буржидагилар маҳоратлидирлар. Ҳаётда ўз йўлларини топа оладилар. Катта омад эса кўпинча хаёлотларида намоён бўлади. Кенг ва очиқ майдонда ёлғиз катта дарахтни кўришлик унга омад чўққисини эгаллашдан даракдир.

Даромад ҳам, обрў-эътибор ҳам ёғилиб кела бошлайди. Лекин омадни сақлаб қолишда бошқалар ёрдамига муҳтождир. Чунки кўпгина ҳолатларда алданувчан бўлурлар. Бойликни осонгина барбод қилишлари мумкин. Ўртача омад эса уларнинг тушларида намоён бўлади. Тушларида отга миниб, уни чоптирсалар, омад йўлини тез орада осонгина топадилар.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)** буржидагилар гўзаллик ва беғаразлик тимсолидир. Улар кўпчиликнинг эътиборида бўладилар. Меҳрибонлари ҳам кўп бўлур. Серчиқим бўлишларига қарамай, давлатлари камаймас. Кўпинча бошқалар ҳомийлигида тўқ ва фаровон ҳаёт насиб этур. Аммо омадсизлик ҳам шундоққина ёнларида бўлур.

Бу бурж соҳиблари бағрикенглик билан омад йўлига осонроқ чиқадилар. Катта омад уларга оқ отлар, оққушлар тимсолида ўнгида намоён бўлади. Кўпинча тушларида кўрганлари ҳам рост бўлиб чиқади. Ўртача омадлар эса ўнгида шерни ёки йўлбарсни кўрган чоғидан бошлаб кела бошлайди.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)** буржидагиларнинг рақиблари кўп бўлур. Лекин тиришқоқликлари билан ҳаётда ўз мавқеини топа оладилар. Жуда фойдали жойларни топиб, турмушини мукаммаллаштира оладилар. Ҳар қандай ғам-ташвишни елкасида кўтариб, садоқат намуналарини кўрсата оладилар.

Омаддан дарак берувчи ишоралар ҳам тушларида, ҳам ўнгида намоён бўлади. Тушида тоғни кўришлик, ёки учиб чўққига қўнишлик катта омаддан огоҳ этади. Тушида кенг ёйилган сувни кўришлик - ўртача омаддан ёки ҳалол ризқ-насиба топиб, мамнунланишдан дарақдир. Бу буржидагиларни кичик омадлар тўлқинлантирмайди.

**АРСЛОН (23.07-23.08)** буржидагилар таваккалчи ва қоқиниб-сурқиниб яшашга мойил, игво-бўҳтонларга парво қилмайдиган, очиққўнгил инсонлардир. Ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам фаровонликка чиқара оладилар. Аммо тез чалиниб, йиқилишлари ҳам мумкин.

Ваъдасидан қайтмаслик, қайсарлик, кўли очиқлик уларга хосдир. Омадлари келмаса жиғибийрон бўлиб кетадилар. Уларни ҳеч ким фикридан қайтара олмайди. Уларга омаддан дарак берувчи ишоралар хаёлотида намоён бўлади. Ўрмонни кўрмоқлик ва кезмоқлик, чўлдан кесиб ўтмоқлик тасодифий катта омаддан дарак беради. Тез орадаёк бойиб кетишлари ҳеч гап эмас. Кичик омадлар уларнинг назоратига кирмайди ва руҳлантирмайди.

**БОШОҚ (24.08-23.09)** буржидагилар тинчлик ва фаровонликни ҳеч нарсага алишмайдилар. Бойимасалар ҳам ўзларини бахтиёр санайдилар. Оила фарзандлар оғушида бошқаларга ҳасад қилмай борига шукр қиладилар. Одамгарчиликлари ҳам бир оламдир. Тиниб-тинчимайдилар. Аммо хоҳласалар-хоҳламасалар омад билан омадсизлик алмашиб туради. Улар ойдан нажот топадилар.

Омаддан дарак берувчи ишоралар меҳнат чоғида огоҳ беради. Ой тўлган кечада бедор бўлишлик уларга омад йўлини очади, ҳеч кутилмаган ихтирони ярата оладилар. Тушида ойни кўришлик эса ўртача омаддан дарак беради. Кичик омадлар ҳам уларни руҳлантириб юборади.

**ТАРОЗИ (24.09-23.10)** буржидагилар етти ўлчаб бир кесишни маъқул кўрадиган, оғир-босиқ, холис инсонлардир. Уларни кўпинча омад билан ишлари бўлмайди. Ўзи соғлом ва уйдагилари тинч-тўқ ва фаровон бўлсалар шуни омад деб тушунадилар. Йўқ нарсага умид боғламайдилар. Хом хаёлликни хушламайдилар ва омаднинг келишини Тангридан деб биладилар. Аммо меҳнатларини бошқаларга манзур қила олмай қийналадилар. Касаллик ҳам уларни тезроқ чулғайди.

Омад келтирувчи ишоралар билан қизиқмайдилар. Лоқайдлик билан ўз омадлари йўлини тўсиб қўйдилар. Бу буржидагиларга омаддан дарак берувчи ишоралар дўл қуйиб ўтгач, қуёшнинг чарақлаб чиқишидир. Катта ёки кичик омаднинг улар учун фарқи йўқ. Нима қилганда ҳам ҳаётда ризқ-насибалари кам эмас.

**ЧАЁН (24.10-22.11)** буржидагилар сезгирлик тимсолидирлар. Мўлжални аниқ олишни ва севибсевилиб яшашни, ҳамма нарсага эришишни хуш кўрадилар. Шубҳасиз топиш-тутишда маҳоратлидирлар. Ўйлаган фикрни охирига бардош билан етказа оладилар. Озгина хасисликлари ҳам бор. Касалликка чидамсиз ва жиндай инжиқликка мойилдирлар. Рақиблари ҳам кўп бўлур.

Бу буржидагилар тушида юлдузли осмонни кўрсалар ёки унга учсалар катта омад қучиш кутаётган бўлади. Ўртача омаднинг ўзи ишорасиз келаверади. Кичик омадлар ҳам бу буржидагиларни қизиқтирмайди. Тушида олтин ёки кумуш кўришлик кичик омаддан огоҳ беради.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12)** буржидагилар жасоратли, йўқни йўндирадиган инсонлардир. Бироқ ҳисоб-китоб ишларига нўноқдирлар. Бор таваккал қабилида иш тутиб, қийналиб топганларини осонгина шамолга совуришлари мумкин. Шу боисдан умр йўлдошлари зийрак ва ҳисоб-китобли бўлсалар ҳаётлари ширин кечади.

Нима бўлганда ҳам бу буржидагилар серомад бўладилар. Тушида ўзини денгизда сузиб юрганини кўрса, катта омад қучур. Ўзини гозлар ва бошқа паррандалар қуршовида кўрса, ўртача омаддан дарак беради. Кичик омаддан дарак берувчи ишораларни эса эслаб қола олмайдилар ва илғамайдилар.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.01)** буржидагилар қадди-қомати келишган, муросали, хушмуомала инсонлардир. Аммо баъзида ўйламай қарор қабул қилишлари оқибатида битиб турган ишни бузиб қўйишлари мумкин. Бошқаларга тобеъликни хушламайдилар. Агар ўз эҳтиросларини жиловлай олса, чиройли турмуш кечириши, бойиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ушбу буржидагилар ўзларининг омадларини келишига ҳар қандай ҳолатда ишонадилар, тушида кўрганлари ҳаётда рост бўлиб чиқади. Тушида тоғ бўйи буғдой хирмонини кўриш катта омад қучишликдан огоҳдир. Ҳаётларида ўртача омаддан кўп бўлур. Тоғнинг қояларида сакраб ёки учиб юриш ўртача омаддан дарақдир.

**Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.**


**АБДУРАҲМОН**
хусусий шифохонасида

Частная клиника Хусусий клиникаси

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитнинг пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ªуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман. **Тел: 170-18-86**


# ИХТИРОЛАР САРГУЗАШТИ

*Биласизми?*

### ГЛОБУСГА ҚАДАР

Тўғри, одамлар Ерни ясси деб тасаввур қилишган, қадим даврларда уни карталарда шундай тасвирлашган. Ер думалоқлигини билишгачгина глобус пайдо бўлган. Глобус ихтирочисининг номи Кратес, у милоддан, яъни сизу биз билган ҳозирги йил ҳисоби бошланишидан 150 йил илгари Пергам (кичик Осиёдаги қадимги шаҳар)да яшаган. Илгари денгиз сайёҳлари глобусдан ҳозирги мактаб ўқувчилари сингари доим фойдаланишган. Бироқ сақлаш, фойдаланиш учун географик карталар глобусдан кўра қулай бўлган. Космик ракеталар коинотга парвоз қила бошлади-ю, космонавтлар Ернинг шарсимон эканлигига, глобуснинг нақадар фойдали эканлигига яна бир карра иқрор бўлишган. Негаки, курраи заминимизнинг қиёфаси қитъаларнинг катта-кичиклигига ва ўзаро жойлашиши ясси картадан кўра глобусда аниқроқ акс этар экан. Эндиликда глобуснинг хиллари кўпайиб кетди, масалан, йиғма, юмшоқ кобиқли, тўп ёки шарга ўхшаб пуфлаб шишириладиган глобуслар яратилган.

### ГРАММ ВА КИЛОГРАММГА ҚАДАР

Турли мевалар, ўсимлик уруғи ва дони оғирлик ўлчови ўрнида фойдаланилган. Ҳозир ҳам қимматбаҳо тошлар қирот (1 қирот тахминан 0,2 граммга тенг) билан ўлчанади. Қирот - асли арабча сўз, у дастлаб "мева пўстлоғи" деган маънони англатган. Килограмм ҳам илгари турлича номланган. Масалан, кичик қадоқ, катта қадоқ ўлчовлари бўлган.

### ГУГУРТГА ҚАДАР

Олов танқис даврлар ҳам бўлган. Яшин тушиб ёнаётган дарахт, шох-шаббага ибтидоий одам кўрқа-писа яқинлашганда, оловдан олиб қочган. Ундан гулхан ёқишган. Олов ёнидан нари жилмайдиган қўриқчига кечаю кундузи ўт ўчиб қолмаслиги мажбурияти юкланган. Кейинроқ одамлар ёғочни дарахт кавагига суқиб туриб тез айлантириш ҳисобига ўт олдиришган. Чунки дарахт кавагига солинган қуруқ мох ишқаланишдан қизиб, ёниб кетган. Дарахт қаттиқ қизиб кетганда, у лоп этиб ёнган. Бу - ишқаланишдан ўт ҳосил қилиш дейилган. Ҳозир биз билган ва ишлатадиган гугурт ҳам ишқаланишдан ўт олади. Нам тортмайдиган, ёмғиру шамолда ўчмайдиган гугуртлар ҳам бор. Бензин, газ, электр ёрдамида ишлайдиган зажигалкаларни ҳамма билади. Ўт олдириш шу қадар осонлашиб кетди. Осонлашишга осонлашди-я, афсуски, унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлишни ҳамма бирдек эплаамаяпти-да...

**Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.**

"Оила ва жамият" газетаси таҳририяти, Ўзбекистон Болалар жамғармаси бўлим бошлиғи Каримова Раъно Абдуғаниевнага турмуш ўртоғи **Абдували КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
07.30 «Премьера» (рус)
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Мировые хиты
08.20 «Навбат» Рашид Холиков билан
09.00 Сериал «Застава» 6-серия
10.00 Мировые хиты
10.30 Узбек наволари
11.00 «Аполло-13» худ.-фильм
13.30 Мировые хиты
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 «Сайилгох»
16.15 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 «Кулинар фантазиялари»
18.40 Узбек наволари
19.00 Сериал «ЗАСТАВА» 7-серия
20.00 Узбек наволари
21.00 «Миссия неповторима»
21.30 Узбек наволари
22.00 Киноколлекция «ФИЛАДЕЛЬФИЯ»
00.20 Миксер

### ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов+»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00 «Агент национальной безопасности».
11.00 Новости
11.15 «Сделка».
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Фазенда»
14.00 Новости
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Без комплексов»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Две судьбы». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.30 Премьера. «Сделка». Многосерийный фильм
21.25 Премьера. Игорь Ливанов в сериале «Крестный сын»
22.20 «На ночь глядя»
23.10 Приключенческий сериал «24 часа»
0.05 «Доброй ночи»
1.05 Нина Русланова, Леонид Куравлев в фильме «Берегите мужчин»
2.00 Время
2.30 Фильм «Берегите мужчин». Продолжение
3.05 «Цирковые династии»

### РТР

4.00 «Доброе утро!».
7.00 «Битва за Гималаи. Авантюрный роман».
8.00 Глафира Тарханова в телесериале «Главный калибр».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 «Суд идет».
12.00 Владимир Стеклов в телесериале «Закон».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 УРА! КАНИКУЛЫ. «Том и Джерри. Детские годы». Мультсериал.
14.05 «По следам бременских музыкантов». Мультфильм.
14.25 Владимир Ильин в детективном телесериале «Марш Турецкого». «Просроченная виза».
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.40 «Танго втроем».
17.40 «Ангел-хранитель».
18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела».
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Глафира Тарханова в телесериале «Главный калибр».
22.05 «Последняя тайна Второй Мировой».
23.05 «ВЕСТИ+».
23.25 ВЕЧЕРНИЙ СЕАНС. ПРИЗ «СЕРЕБРЯНЫЙ МЕДВЕДЬ» БЕРЛИНСКОГО КИНОФЕСТИВАЛЯ. Киану Ривз, Тильда Суинтон, Винс Вон и Бенджамин Брэтт в фильме «Новичок» (США). 2005г.
1.25 «Дорожный патруль».
1.40 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Александр Лыков, Михаил Филиппов и Петр Зайченко в комедийном телесериале «Дзисай». 2004г.
2.30 Комедийный телесериал «Война в доме» (США). 2005г.
2.50 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

## ПАЙШАНБА 2

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50 «ТВ шифокор».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Самарқанд – 2750».
12.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қоядаги расмлар».
12.25 «Замонавий ўзбек мусиқаси». Н. Ғиёсов.
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик».
15.30 «Оҳанрабо».
16.10 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Марғилон-2000».
18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Мен туғилган юрт». 2-қисм.
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Аёл эрки». Телесериал.
19.10 ТВ анонс.
19.15 «Юртим кишилари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.0 0 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Кавингтон Кросс». Телесериал.

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Бемби-1».
11.30 «KINOMANIYA».
12.00 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Латофатли Бухоро». Ҳужжатли фильм.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Сериал.
15.55 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Автопатрул».
16.40 «Чемпион сирлари».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг.
16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Мумтоз наво».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «Рўзғор мактаби».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.

### TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Эгизаклар".
9.05 "Телекурьер – маркет".
9.25 Дни летних каникул: "Пиратские острова". Телесериал. 3-серия.
10.05 "ТВ юрист".
10.10 "Мусиқа SMS".
10.30 "Интервью".
10.45 "Ўйларим".
10.50 "ТВ юрист"/рус/.
11.00 Кино: "Отскок".
***
17.55 Мультфильм: "Чинининг саргузаштлари".
18.05 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Эгизаклар".
19.50 "Иқтисод-ревью"/рус/
20.00 **"Пойтахт"**
20.15 "ТВ юрист"/рус/.
20.20 "Природа Австралии". 3-серия.
20.50 "Интервью"/рус/.
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 Ўзбекитон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: "Келажакка интилиб".
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино: "Обмануть всех".

### SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб)
10.20 "15-А" (Академия тенниса) Сериал.
10.45 "Лицо игуаны". Документальный фильм.
11.15 Пляжный волейбол. Чемпионат мира.
11.45 – 12.15 Енгил атлетика. Супер гран-при.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Вилоят спорти" (Самарқанд вилояти)
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.50 "Мусиқий тайм".
19.10 **Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал.**
"Насаф" - "Нефтчи".
**20.00 "Чужие тайны".**
20.50 "Путешествия натуралиста".
21.15 "Шарқ яккакурашлари".
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 **На экране комедия: "Кто когда ест". Художественный фильм.**
23.20 Еврофутбол.

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 «Сайилгох»
08.25 Мировые хиты
09.00 Сериал «Застава» 7-серия
10.00 Узбек наволари
11.00 «Филадельфия» худ.-фильм
13.20 Мировые хиты
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс»
16.00 Узбек наволари
17.00 «Великолепная семёрка»
17.30 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Сериал «ЗАСТАВА» 8-серия
20.00 «Спецрепортаж»
20.20 Узбек наволари
21.00 «Юлдузли пайшанба»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «МАСЛАХАТ» видеофильм
00.00 Миксер

### ОРТ

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов+»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00 «Агент национальной безопасности».
11.00 Новости
11.15 «Сделка».
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Фазенда»
14.00 Новости
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Без комплексов»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 «Пусть говорят»
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Две судьбы».
20.00 Время
20.30 Премьера. «Сделка».
21.25 Игорь Ливанов в сериале «Крестный сын»
22.20 «На ночь глядя»
23.10 Приключенческий сериал «24 часа»
0.05 «Доброй ночи»
1.05 Русская классика в кино. А.Н.Толстой «Восемнадцатый год»
2.00 Время
2.30 Фильм «Восемнадцатый год». Продолжение
3.30 «Цирковые династии»

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 «Прощание с Героем. История Золотой Звезды».
8.00 «Главный калибр».
9.45 ВЕСТИ.
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 «Отряд особого назначения». 1978г.
12.20 «Городок». Дайджест.
12.50 ВЕСТИ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
13.40 Мультсериал.
14.10 «Марш Турецкого». «Последний маршал».
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.40 «Танго втроем».
17.40 «Ангел-хранитель».
18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела».
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 Юрий Ицков в телесериале «Терминал».
22.10 ПРЕМЬЕРА. «Тихая война Василия Пушкарева».
23.15 «ВЕСТИ+».
23.35 Х/ф «Натянутая тетива»
1.25 «Дорожный патруль».
1.40 «Дзисай». 2004г.
2.25 Х/ф «Война в доме»
2.45 Канал «Евроньюс»

## ЖУМА 3

### O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Цирк, Цирк, Цирк». 2. «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.35 ТВ анонс.
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд - 2750».
10.50 «ТВ шифокор».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ анонс.
11.15 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
12.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Навбаҳор».
12.25 «Рақснинг сеҳрли олами».
12.45 ТВ анонс.
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 Жаҳон опера санъати юлдузлари. М. Раззоқова.
15.55 ТВ анонс.
16.00 «2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили». «Эъзоз».
16.20 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили: «Саломатлик» дастури.
17.35 «Зомин илҳомлари».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
**18.40 «Аёл эрки».**
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. »Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус)
20.10 «Уч бека».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Муҳаббат гўшаси».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Кавингтон Кросс».

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.15 «Болалар табассуми».
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 Таътил туҳфаси: «Бемби-2».
11.25 «Самарқанд – 2750 ёшда!»
11.30 «Имом ал-Бухорий». Ҳужжатли фильм.
11.45 «Замонлар оша келажак сари».
12.10 «Ишкомли уй».
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Сериал.
16.00 «ДАВР».
16.20 «Интерфутбол».
17.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг.
16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Увайсий».
18.45 «Сифат белгиси».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй».
21.35 «Дунё таомлари».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Қилмиш-қидирмиш»

### TOSHKENT

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Эгизаклар".
9.05 "Телекурьер-маркет".
9.25 "Пиратские острова". Телесериал. 4-серия.
9.55 "Келажакка интилиб".
10.15 "Мусиқа SMS".
10.45 "Иқтисод - ревью"
10.55 "Интервью"/рус/.
11.15 – 12.35 Кино: "Обмануть всех".
***
17.55 "Афиша"/рус/.
18.05 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Эгизаклар".
19.30 "Мусиқа SMS".
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 "Природа Австралии". 4-серия.
20.50 "Репортаж"/рус/.
21.00 "Жозиба".
**21.30 "Пойтахт"**
21.50 "Телекурьер - маркет".
22.10 "Маърифат фидойилари".
**22.30 "Пойтахт"**
22.50 Кино: "Бишумно-летящий воин".

### SPORT

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 Мультфильм.
8.30 "Малахов +".
9.30 "Детективы".
10.00 "Хабарлар" (ўзб)
10.20 "15-А" (Академия тенниса) Сериал.
10.45 "Ринг".
11.15 Пляжный волейбол. Чемпионат мира. Женҳины. Финал.
11.45 "Спорт салтанати".
12.05 -12.50 "Аптека слушает".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Мусиқий тайм".
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.55 "Поле чудес".
20.00 **"Чужие тайны". Сериал.**
20.50 Енгил атлетика. Супер гран – при.
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 **Майкл Дуглас в остросюжетном фильме "Игра".**
00.00 **Футбол. Кубок РЖД. "Локомотив" (Москва) – "Реал" (Мадрид) Прямая трансляция.**

### TV-MARKAZ

07.00 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Сериал «Застава» 8-серия
10.00 Узбек наволари
11.00 «Маслахат» видеофильм
13.00 Узбек наволари
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Узбек наволари
15.00 Теленяня
15.45 «Бэби хитс» (Болалар куйлаганда)
16.00 Узбек наволари
17.00 Мировые хиты
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Мировые хиты
18.30 «Сайилгох»
18.45 Узбек наволари
20.00 «Судьбы-Такдирлар»
20.30 Узбек наволари
21.00 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «6 ДНЕЙ,7 НОЧЕЙ» худ.фильм
00.00 Миксер

### ОРТ

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
8.30 «Малахов +»
9.30 «Контрольная закупка»
10.00 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.15 «Сделка». Многосерийный фильм.
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Фазенда»
14.00 Новости
14.15 «Понять. Простить»
14.50 «Без комплексов»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Татьянин день».
18.55 «Поле чудес»
20.00 Время
20.20 Х/ф «Перевозчик»
22.00 Х/ф «Планкетт и Маклейн»
0.00 Футбол. Кубок РЖД. «Локомотив» (Москва) - «Реал»(Мадрид)
2.00 Время
2.25 Брук Шилдс в фильме «Залог семейного счастья»
3.55 «Двенадцать двойников и одна Золушка»

### РТР

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 Юрий Ицков в телесериале «Терминал».
8.50 ВЕСТИ.
9.05 Маргарита Терехова в телефильме «Д»Артаньян и три мушкетера».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.50 Маргарита Терехова в телефильме «Д»Артаньян и три мушкетера». Продолжение.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 Михаил Боярский, Вениамин Смехов, Валентин Смирнитский, Игорь Старыгин, Олег Табаков, Алиса Фрейндлих и Маргарита Терехова в телефильме «Д»Артаньян и три мушкетера». Продолжение.
15.35 УРА! КАНИКУЛЫ. «Том и Джерри. Детские годы». Мультсериал.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.40 «Аншлаг и Компания».
17.40 «Ангел-хранитель». Телесериал.
18.40 «Кулагин и партнеры. Лучшие дела».
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 РУССКАЯ СЕРИЯ. ПРЕМЬЕРА. Евгений Сидихин, Ян Цапник, Анатолий Журавлев, Сергей Бехтерев и Юрий Ицков в телесериале «Терминал».
22.15 ПРЕМЬЕРА. Андрей Анкудинов, Екатерина Редникова, Аристарх Ливанов и Евгений Леонов-Гладышев в фильме «Просто повезло!». 2007г.
0.40 Триллер «Леший» (США - Австралия).
2.35 «Дорожный патруль».
2.50 Комедийный телесериал «Война в доме»
3.10 Канал «Евроньюс» на русском языке.




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



***Saparvoy QURBONOV.***
***Xorazm viloyati, Xazorasp tumani, Ogahiy nomli 9-maktabning 6 «A» sinf o'quvchisi.***



***ONAJONIM***

*Ertalabdan tayyorlar shirin nonushta,*
*Yig'lasam, yig'lama degan onamlar.*
*Tunda ertak aytib berar onamlar,*
*Bog'chaga ham olib chiqar onamlar.*
*Mana endi katta bo'ldik bizlar ham,*
*Onamning qo'lidan oldik yumushlar.*
*Onamning hurmatin qo'yamiz joyga*
*Hech qachon onamni xafa qilmaymiz.*

***Zulxumor ORIFJONOVA.***
***Andijon viloyati, Marhamat tumani, 1-sonli bog'cha-maktabning 3-sinf o'quvchisi.***



***Umida MAHMUDOVA.***
***Toshkent shahar, Sirg'ali tumani, 277-maktabning 8 «B» sinf o'quvchisi.***



***Begzod TUREEV.***
***Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'irot tumani, 53-maktabning 5-sinf o'quvchisi.***



***Shahlo AHMEDOVA.***
***Surxondaryo viloyati, Uzun tumani, 11-maktabning 2 «A» sinf o'quvchisi.***



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### ЭНГ ҚИММАТБАҲО ДАРАХТЛАР

Кўпгина дарахтлар нафақат мевалари учун ўстирилади, балки уларнинг ёғочи ҳам қимматбаҳо қурилиш ва мебелсозлик хом ашёси ҳисобланади. Масалан, Жанубий Америка ва Кариб ҳавзасидаги тропик ўрмонларда ўсадиган қизил дарахтнинг ёғочидан жуда чиройли ва қиммат мебеллар ясалади. Африка ва Шри-Ланкада ўсадиган қора дарахт эса қаттиқлиги боис бебаҳо ҳисобланади. Сандал дарахти ёғочи хушбўй ис таратиб туриши сабабли ундан тақинчоқлар, безак буюмлари, сандиқчалар ясалади.

### ҲАЙВОНЛАР ҲАҚИДА

Олимлар ҳайвонларни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган бешта ўзига хос хусусиятни кўрсатиб ўтадилар. Булар:

- Кўп тўқимали организмлар, бошқача айтганда танаси биттадан ортиқ тўқимадан ташкил топган;
- Озиқланиш усулига кўра улар гетеротроф ҳисобланади. Яъни ҳайвонлар бошқа



тирик мавжудотлар, жумладан ҳайвонлар ва ўсимликларни еб кун кечиришади;

- Улар мустақил равишда ҳаракатлана олишга қодирлар;
- Уларда ҳид, ёруғлик, товуш, ҳарорат кабиларни сезиш ҳислари шаклланган бўлади;
- Улар эркак ва урғочисининг қўшилувидан насл қолдирадилар.

### ТРОПИК ЎРМОНЛАР МЕВАЛАРИ

Энг кўп экзотик мевалар Жанубий Америкада ўсади. Улар орасида энг машҳурлари ананас ва папайядир.

Папайяни маҳаллий аҳоли "қовун дарахти" деб ҳам атайди. Чунки у ташқи кўринишдан ўзимизнинг қовунга ўхшаб кетади. Унинг меваси жуда ширин бўлиб, 9 килограммгача тош босади. Шунингдек, папайя дарахти танасидан қимматбаҳо папаин шарбати ҳам олинади.

Ананаснинг асл ватани Бразилия ҳисобланади. Ҳиндистоннинг энг машҳур меваси, шубҳасиз мангодир. Манго меваси юмшоқ ва ширин бўлади, аммо уни узоқ вақт сақлаш имконияти йўқлиги боис чет элларга экспорт қилиш қийин.

### ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЕРАК

Ўсимликларни сайёрамизнинг "ўпкалари" деб аташ мумкин. Чунки улар бутун тирик мавжудотни кислород билан таъминлаб туради. Кислородсиз эса ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳамма одамлар ҳам буни тушуниб етиб ўсимликларни, дов-дарахтларни асраш, кўпайтириш ҳақида қайғурмайдилар. Тоғларга дам олишга чиққан одамлар ўсимликларни, доривор гиёҳларни пайҳон қиладилар, уларни илдизлари билан юлиб олиб, кўпайишига йўл қўймайдилар.

Шу боис эрта баҳорда ва кузда далаларга, кўча бўйларига, ҳовлиларга дарахт ва гул кўчатлари экиш, уларни парваришлаш керак. Тоғларга, далаларга дам олишга чиққанда эса ахлатларни қолдирмаслик, дарахтларни синдирмаслик, ўсимликларни юлиб, пайҳон қилмаслик лозим.

### КОРАЛЛАР ТИРИК ЖОНЗОТМИ?

Кораллар денгизлар остида учрайди ва улар ташқи кўринишдан дарахтлар буталарини эслатади ҳамда бутунлай ҳаракатсиз бўлишади. Шунга қарамай улар тирик жонзот ҳисобланади ва ҳайвонот оламига мансуб. Чунки кораллнинг ҳар бир "бутаси" жуда майда жонзот ҳисобланган коралл полипларининг йиғиндисидан ташкил топган. Бундай йиғиндилар фанда колония, деб аталади. Кораллар йиғилиб-йиғилиб, улкан рифларни, бошқача айтганда коралл оролларини ҳосил қилиши мумкин. Дунёдаги энг йирик коралл ороллари Австралия қирғоқлари яқинидаги Катта Барьер рифи ҳисобланади.

Кораллар жуда чиройли бўлгани ва қуёш нурида товланиши сабабли улардан тақинчоқлар ва безак буюмлари ҳам ясашади.

### ЧУВАЛЧАНГЛАРДАН НИМА ФОЙДА?

Чувалчангларнинг турлари жуда кўп. Улар турига қараб 4 миллиметрдан 8-10 сантиметргача узунликда бўлади. Тропик иқлимли ўлкалардан эса бундан ҳам каттароқлари учраб туради. Бундай чувалчанглар **ҳалқали** деб аталади. Чунки уларнинг танаси жуда кўп майда ҳалқалардан тузилган бўлади.

Машҳур ботаник олим Чарлз Дарвин чувалчангларни ўрганиб, улар жуда катта фойда келтиришини аниқлаган. Улар тупроқда ўзларига йўл очиб, тешиклар ҳосил қилишади. Ана шу тешиклар орқали тупроқнинг остки қатламларига сув, ҳаво ва ўғитларнинг етиб бориши осонлашади. Натижада тупроқ юмшаб, ўсимликларнинг ўсиши учун қулай шароит юзага келади.

### КЎПОЁҚЛИЛАР ҲАҚИДА

Кўпоёқлилар сайёрамизда энг кўп тарқалган жониворлар бўлиб, улар барча қитъаларда учрайди, сувда ҳам, қуруқликда ҳам, ҳаводa ҳам яшай олиши билан ажралиб туради.



Уларнинг **кўпоёқлилар** деб аталишига сабаб, оёқлари одатда олтита ва ундан кўп, оёқлари ва мўйловлари бир-бирига уланган бир неча қисмлардан (бўғимлардан) иборат бўлади.

Капалаклар, чивинлар, пашшалар, қўнғизларнинг барча турлари, ўргимчаклар, қирқоёқлар, креблар кўпоёқлилар туркумига кирадиган жониворлардир.

Табиатда кўпоёқлиларниг миллионга яқин тури учрайди. Уларнинг айримлари қутбдаги совуқ ва чўллардаги иссиқ ҳавода ҳам яшашга мослашган. Олимлар Ер шаридаги қуруқликда яшашга мослашган илк жониворлар ҳам айнан кўпоёқли ҳашаротлар бўлган, деб тахмин қилишади.

**ДАРМОН** тайёрлади.

# ТАҚДИР



Ҳамида опа тўртинчи ўғлини уйлантиришда анча қийналди. Йўқ, сиз нотўғри тушунманг, моддий томонлар етарли, орзу- ҳавасли. Ўғил кенжа эмасми, опа кўнглидагидай таги-зоти, насл-насаби тоза, дастурхонли, борди-келди, олди-бердини ўрнига қўядиган қудалар бўлса деб орзулаб ёз бўйи ҳаракат қилди. Келин иболи, ўғлини ҳурмат қилиб қадрлайдиган, фаросатли қиз бўлса, деди.

Ўғли ҳам ҳозирги ёшларга тортиб ўжаргина, қайсаргина.

- Кўз остингга олганинг бўлса айт, балки учрашиб юрганинг бордир, - деди Ҳамида опа.

- Акаларимда қандай йўл тутгансиз, оиламизга мос жойни мўлжаллаб келин қилгансиз, бизга ҳам шу усулни қўллайверинг,- деди бепарвогина жилмайиб. Шундан кейин озмунча хонадон эшигини очдими? То кўнглидагини топиб қудалашгунча очиғини айтганда, тинка мадори қуриди. Катталарини уйлантиришда бунчалик сарсон бўлмаган эди.

Ниҳоят тақдир эшиклари очилиб, осмон никоҳи ерга тушди. Қуда бўлмиш хонадон соҳиблари озода, файзли, режали экан. Қизни ҳам кўрди, ойдай, ҳусни ўзига етарли, истарали. У билан кўриша туриб юраги "жизз!" этди. Бир кўришдаёқ меҳри тушди. Ҳар икки томон йигит билан қиз учрашсин, танишиб суҳбатлашсин, деб бир қарорга келишди.

Тўлқинбой янгаси билан келишилган жойга вақтида етиб борди. Қиз ҳам сулувдеккина бўлиб кеннойисининг ортида ийманибгина турарди. Анҳор ёқалаб айланиб юришди, гаплашишди. Қайтганда Тўлқин оғзи қулоғида ҳурсанд кўринди. Биринчи учрашув шу йўсин қисқагина бўлди. Кейинги гал қиз йигит холис учрашиб батафсил суҳбатлашишди. Кейин эса тез- тез учрашиб турадиган бўлишди.

Ҳамида опа шошмади, обдон ўғли билан қиз бир- бирига меҳр қўйсин, севсин, ўртада самимий муносабат пайдо бўлсин деб арқонни узун ташлади. Кейин ўғли шу қизга боғланиб қолганини сезиб хурсанд бўлди.

Шанба оқшомидаги учрашувга Тўлқин қизга қимматбаҳо кўйлаклик мато, нақ ўн беш минг сўмлик торт, ўн минг сўмга катта гулдаста олиб борди. Раънони у жони-дилидан севиб қолган, торт экану ҳозир ойни узиб беришга ҳам тайёр. Қиз ҳам мулойим жилмайиб Тўлқинни ёқтириб қолганини яширмади.

Ана энди Ҳамида опа қудалар олдига бориб, тўй кунини маслаҳатлашиб белгилайлик, деди. Қудалар ҳам айнан шу фикрда эди. Келаси ойнинг охирги якшанбаси ҳар икки томонга маъқул бўлиб мухрланди. Оқ ўрар маросими бўлиб ўтди.

Ҳамида опа гоҳ эрталаб бозорга боради, гоҳ тикар-чатар ишларига шўнғиб кетади. Ҳовли жуда катта, ўғиллар гулларни, дарахтларнинг ортиқча шохларини бутаб, ҳовлини ораста қилишди. Шошилиш керак, тўйга саноқли кунлар қолди.

- Ҳой келинлар, бор-йўғи бир хафта қолди-я, ҳали қиладиган ишларимиз кўп, айвонга чиқинглар, келин сарполарини тахлаб бир кўздан ўтказайлик,- деди Ҳамида опа.

- Ойим бир жаҳон орзу ҳаваслар билан юриптилар, -деди катта келин овсинига. Ҳаммалари жам бўлиб катта бўхчани ечишди. Бир-биридан чиройли, бир биридан қимматбаҳо ялтир-юлтир матолар, жемпер, кофта, костюм-юбка...

- Вой-бў, мунча чиройли,- овсинлар ҳавас билан тикилишди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

- Алло, ҳа, ҳа, қудангиз Ҳамидаман. Ўзингиз бардаммисиз, бувижон, набира келин муборак бўлсин, ҳаракатлар билан чарчамаяпсизларми?

Телефон қилаётган келинчакнинг 80 ёшли бувиси эди. Ҳамида худди рўпарасида тургандай кулиб, ҳурмат бажолаб, қўлини кўксига қўйиб гаплашмоқда.

- Қудапошша, гапимдан хафа бўлманг, кампирлар тўпорироқ бўлади, сўраганнинг айби йўқ, -деди кампир бийрон-бийрон гапириб.

- Бемалол, сўрайверинг бувижон, овозларингиздан ўргулай, сиздек табаррук онахонларнинг борига шукр.

- Ҳамидабону, никоҳ қайси ресторанда бўлади? Биласиз, Раъно ёлғиз қиз, орзули дунё, каттароқ ресторанни танлашсин, "бувижон, сиз тушунтиринг", деяпти келинингиз. Яна бир гап, тўйдан кейин бир ой, ярим ой хизматингизни қилиб ҳовлимиз пастидаги ҳангиллаб ётган янги уйга кўчиб келишсин, эру хотин тинчгина яшайверади. Ҳар қалай яқинроқда бўлса, онаси ҳам хабардор бўлиб туради, қўша- қўша хоналар, ҳамма шароитлари етарли, сиз ҳам хоҳлаган вақтингизда келиб кўриб кетаверасиз...

Ҳамида опанинг устидан кимдир бир челак муздек сув тўкиб юборгандек бўлди. Сувнинг совуқлигидан эти сесканиб кетди. У аввалига ҳеч нимага тушунмади, кейин ақлу хушини жамлаб олганда қулоқлари чиппа битиб қолди, боши айланиб гўшакни қисмлаганча жонсиз ҳайкалга айланди.

- Ойижон, тинчликми? Нима дейишяпти, бирор фалокат содир бўптими? Кимдир вафот...

- Боринг,-деди катта келин овсинига,-бир пиёла чой обкелинг, тез бўлинг, ойимни мазалари қочди. Рангларига қаранг.

Ҳамида опага чой ичиришди, елпишди. Кичкина келин гўшакни жойига қўяётса ҳамон у ёқдан овоз эшитиларди:

- Ҳозирги ёшлар алоҳида...

- Ойижон, хунук ҳабар айтишдими, ўзингизни қўлга олинг, сиқилманг, ҳаммаси яхши бўлади, бир кунлик тўй ўтади- кетади, соғлиғингизни ўйланг.

Бир зумда ҳамманинг кайфияти бузилди. Тўй ҳақидаги ширин орзулар патдек тўзиб, ҳавога учди.

- Вой,-деди Ҳамида опа,-бу кампир эсини еб қўйганми? Ўйлаб гапиряптими? Ахир турмушнинг оғир-енгилини кўрган, ҳаёт тажрибалари етарли одамнинг гапими бу? Қизи ресторанда тўй қилишни орзу қилганда ёнига ўтқазиб ётиғи билан, ҳаётдан мисоллар келтириб тушунтириши лозим эмасми?

Ахир,-"Бу кенжа ўғлим, шу билан яшайман",- деб айтган эди-ку. Энди нима бўлади? Ҳамма таниш- билишлар эшитган, шунча тайёргарлик, айвон четида қопда гуруч, ун тироғлик турипти, ёнида конфетлар, олди-берди нарсалари, олма дарахти тагида икки қўчқор кавш қайтариб ётипти, у ҳаммасига бир- бир разм солди. Балки шароитни тушунтиришса кўнишар. Ҳали ҳеч гап бўлмади-ку.

Уччала ўғлининг тўйи шу ҳовлида бўлган эди. Идиш-товоқ етарли, жой бемалол, маҳалланинг стол- стуллари бор. Энди бунисини ресторанга олиб борсинми? Нега? Қудага тўйнинг қаерда ўтиши керакми, ё тинч- тотув, аҳил яшаб кетишими?

Шу пайт Тўлқин ишдан келиб қолди. Онаси бир аҳволда, кеннойилари қилар ишидан адашиб ўтиришипти.

- Нима гап? Тинчликми? Ойи, чарчадингизми, айтдим-ку, ўзингизни кўп уринтирманг деб.

- Қуданикидан қўнғироқ бўлди,-секингина пичирлади кеннойиси.

- Нима дейишди? -Ҳамма жим, ҳеч ким айтишга ботинолмайди.

- Айтинг, нима гап?

- Тўй аллақандай ресторанда бўлсин, кейин... бир ойдан кейин куёв билан келин уларнинг янги участкаларига кўчиб бориши керак, деган таклиф, - бори шу,- деди кеннойиси қошини чимириб.

Ҳамида опа ер чизиб, "пиқ-пиқ" бурнини тортиб, кўз ёшини яширишга уриниб ўтирарди.

- Кимдан чиқди бу таклиф?

- Бувисидан.

- Мен бир қўнғироқ қилай-чи.

- Алло, Раъно яхшимисиз, Тўлқинман.

- Танидим, овозингиз қулоғимга ўрнашиб қолган.

- Бувингиз телефон қиптилар. Бундай гаплар маслаҳатлашиб олинмайдими?

- Тўлқин ака, тўйимиз анави шаҳарга номи кетган ресторанда бўлишини истайман, агар пулдан қийналсанглар дадам берадилар. Тўй умрда бир марта бўлади, висол оқшомимиз зўр бўлсин, кейин эслаб юрайлик дейман-да. Тўлқин ака, эшитишимча тўйни ҳовлида қилмоқчимишсизлар. Ростми? Бу эскича удумлар энди қолиб кетди-ку, наҳотки тушунмасангиз.

- Шошманг,-деди Тўлқин тутоқиб, - мен ресторанни хоҳламасам-чи, менга отамдан қолган табаррук ҳовли ёқсачи, бунга нима дейсиз?

- Хўп дея қолинг, жо-он Тўлқин ака, ресторанни йўриғи бошқа-де.

- Агар хўп десам, кетидан яна бир нарса ўйлаб топасиз, буни сезиб турибман.

- Ҳа, тўғри, яна биттаси шуки, икки қаватли участка тайёр, пастда уч хона, юқорида уч хона, иссиқ-совуқ сув, газ, шароитга гап йўқ, ҳеч қийналмаймиз.

- Кўнмасам-чи?

- Кўнмасангиз... - у жим бўлиб қолди,- кўнмасангиз тўй ҳам бўлмайди, тамом.

- Бунақа ишда хазил кетмайди, Раъно.

- Ҳазили йўқ, тўй бўлмайди.

- Ростми? Одамни қўрқитишга уста экансиз.

- Унда хўп денг, мен илтимос қиляпман.

- Бу илтимосни бажаролмайман.

- Ростданми?

- Ҳа, рост!

- Тўй бўлмайди!

- Мен рози! -деди Тўлқин қатъий қилиб гўшакни қўяркан.

Тўйдан олдин шунча шартларни олдимга қўйса, тўйдан кейин нима бўлади? Нияти—эшшак қилиб миниб олишми? -хуноби ошиб айвонда у ёқданбу ёққа бориб келар, мушти тугилиб, аламини нимадан олишни билмай кўчага чиқиб кетди.

Бу нохушлик устига бир девор нарида турадиган Ҳамида опанинг қайниси Икромжон чиқиб қолди.

- Ўзим шундай, бир хабар олай дедим, бизга хизмат борми, кеннойи?

Қайнисини кўриб дили ёришиб кетган Ҳамида опа дарров кўрпача солди, келинлар бири чой дамлаб, бири қанд- қурс олиб келишди. Хуноби ошиб, дардини тўкишга одам тополмай ўтирган опа ҳозиргина бўлиб ўтган нохуш гапларни гапириб берди.

- Акангиз ҳаёт бўлганларида менга бунчалик оғир бўлмасди, бир бошимда шунча ташвиш, ёшим ўтиб эплолмай қолди шекилли,-у йиғлаб юборди. -Энди нима бўлади? Ахир қариндош-уруғ, маҳалла-кўй эшитган.

Икромжон ўйланиб қолди. Бу ҳовлидаги баъзи гаплардан хабари бор эди. Кеннойиси жуда ақлли, ҳар бир ишни билиб-билиб ўз ўрнида қиладиган доно аёл. Ҳозир ерга киргудай бўлиб чўкиб ўтиришига ичи ачишиб кетди.

Бир неча йил аввал ўтган акаси кўз олдига келди. "Битта қизингни ўғлимдан аяма", - деган овозини аниқ эшитди.

-Кеннойи,- деди Икромжон,-неча йиллик қадрдонлармиз, фарзандларим деярлик қўлингизда катта бўлишди. Тарбияладингиз. Саломат ҳам сизни дилдан ҳурматлаб "туғишган опам" дейди. Гапнниг индаллоси шуки, Тўлқинни жуда ёқтираман, унга меҳрим тушган. Бир мен эмас, бутун оила аъзоларимиз билан уни яхши кўрамиз. Тўлқинни ўзим куёв қиламан. Алпомишдек танти йигитни бегонага бериб қўйиш йўқ. Сиқилманг, ўйламанг ҳам, борига- бозор. Сиз қандай хоҳласангиз шундай бўлади.

- Ҳамида опа кутилмаган бу янгиликдан анграйиб қолди. Ёнгинасида турган қизга оғиз солмаганидан уялиб кетди. Чиндан ҳам Тўлқинга мос, синашта, олдинма-кетин бир мактабда ўқиб катта бўлишди. Нега шуни аввалроқ ўйламади? Эҳ, хом сут эмган банда.

Келинлар ошга уннаб кетишди. Икромжон кеннойиси билан кўп нарсаларни гаплашиб узоқ ўтирди. Тўй куни ҳам, вақти ҳам ўзгармай ўз ўрнида қолди. Дастурхонга бир лаган ош келди. Ошни еб бўлгач, Икромжон дуойи фотиҳа ўқиб ўрнидан турди

Бир тоғора ош устида кулча нонлар билан, тўй белгиси оқлиқ мато ва ширинликларни алоҳида ўраб кеннойиси унинг қўлига тутди.

Ҳамида опа ҳам, ўғилу келинлар ҳам енгил нафас олиб Икромжон ҳимматига таҳсинлар ўқишди.

-Қайним- қаймоқ ёғим,- деб жилмаярди Ҳамида опа.

**Муҳаббат ТУРОБОВА**

# ТЕТИКЛАШТИРУВЧИ ВИТАМИНЛАР



**Агар биз бирор бир касаллик, руҳий танглик ёки ишхонадаги оддий дилхираликдан толиқсак, тушкунликка тушсак, бундай ҳолатда шифокорлар тана қувватини ошириш учун, В витамини тавсия этишади. Бу витамин тез фойда бериши учун уни укол қилиш орқали қабул қилиш зарурлигини уқтиришади. Аммо бунинг яна бир оддий усули ҳам бор. Ўзингизни қаттиқ чарчаган ҳолда сезсангиз, уйқу яхши бўлмаса, асабийлашсангиз ёки овқат ҳазм қилиш тизимининг иши бузилганда ўз-ўзингизни парвариш қилинг—таркибида В витамини мавжуд мевалардан кўпроқ истеъмол қилинг.**

**ХИЛМА-ХИЛ ОВҚАТЛАНИНГ!**

В гуруҳ витаминларига сувда яхши эрийдиган саккизта элемент киради. Тетиклаштирувчи бу витаминлар танада етишмаса камқонлик (асосан болаларда), руҳий ҳамда юрак-бўғим касалликлари каби жиддий касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Унутманг, В гуруҳ витаминларини алоҳида-алоҳида эмас, доимо биргаликда қабул қилганимиздагина ўзимизни яхши ҳис этамиз, шунинг учун хилма-хил овқатланишга ўрганинг. Айниқса тўкин-сочинлик фасли бўлган ёзда имкониятларингиз янада ошади.

**8 ХИЛ ФОЙДАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАР**

**B1 - тиамин**

Асаб тизими хасталиклари, тана қуввати ва жисмоний кучни оширувчи зарур элементдир. Бу витаминнинг етишмовчилиги авитаминоз, озиш ва қувватсизликка олиб келади.

**B1** витамини асосан гуручда, турли сабзавотларда ва парранда гўштида бўлади.

**B2 - рибофлавин**

Терининг соғлиги учун жавобгар витаминдир. Унинг танада етишмаслиги қуёш нурларига ўта сезувчанлик, терининг қуриб қолиши ва турли касалликларига сабаб бўлиши мумкин.

Бу витамин сут, тухум ва карамда мавжуд.

**B3 - ниацин.**

Мия учун зарур витамин ҳисобланади. Тез қариш, хотира сусайиши, ақлий заифлик каби хасталикларнинг олдини олади.

Бу ватаминлар қора нон, балиқ, ёнғоқ, мевалар, гўшт ва қўзиқорин(жумладан, қуритилганида ҳам) таркибида жуда кўп миқдорда мавжуддир.

**B4 - пантотен кислотаси**

Оқсил, ёғ ва углеводород синтезларида иштирок этади. Бу витаминнинг етишмаслиги организм модда алмашинувининг бузилишига олиб келади.

Ушбу витамин ловия, карам, тухум сариғи ҳамда гўшт таркибида мавжуд.

**B5 - пиридоксин**

Юрак-бўғим билан боғлиқ касалликлар ҳамда псориаз ва тери касалликларининг олдини олишда фойда беради.

Бу витамин буғдой донида, тухум сариғи, ловия таркибида бўлади.

**B6 - биотин**

Болалар бўйининг ўсиши учун жуда зарур витаминдир. Катталар учун ёғларни синтезловчи витамин сифатида жуда фойдалидир. Қон таркибидаги қанд даражасини меъёрлаштириб туради. Қанд касалликлари мавжуд беморларни даволашда биотиндан фойдаланилади.

Бу витамин помидор, гуруч ва соя ўсимлиги таркибида учрайди.

**B7 - фолий кислотаси**

В гуруҳи витаминларининг энг асосийларидандир. Бу витамин устида олиб борилаётган изланиш ва тажрибалар ҳали тугагани йўқ, аммо олимлар унинг камқонлик, юрак касалликлари ва ҳомила ривожига фойдаси катта эканлигини аллақачон ўрганиб бўлишган.




Мевалар, нўхат, ловия, мош ҳамда карам таркибида мавжуддир.

**B8 - кобаламин**

Камқонликка қарши энг яхши воситадир. Қон ҳосил бўлиш жараёнида фаол иштирок этишини назарда тутадиган бўлсак, бу витамин камқонликда темир моддасидан ҳам яхши кўрсаткичга эгадир.

**B12** денгиз маҳсулотлари, гўшт ва пишлоқ таркибида кўп учрайди.

**Сут маҳсулотига ҳар ким ҳар хил муносабат билдиради. Баъзилар уни гўдаклар учун асосий озуқа манбаи деб ҳисобласа, бошқалар ўз ҳаётини бир пиёла сут ва бир бурда нонсиз тасаввур этолмайди. Аммо сутдан баъзи касалликларни даволашда дори сифатида фойдаланиш ҳам айни ҳақиқатдир.**

**Хўш, улар қандай касалликлар?**

## СУТ ДАВОЛАЙДИ

➔ **Пайларнинг чўзилиши.** Иссиқ сут билан компресс қилинг. 4-6 қават тахланган докани иссиқ сутга шимдиринг, енгил сиқиб ташланг. Пай чўзилган жойга ушбу докани қўйиб, суюқлик шиммайдиган қоғоз қўйиб боғлаб қўйинг. Доканинг иссиқлиги кетганидан сўнг боғламни янгиланг.

➔ **Мигрень.** Товуқ тухумини стаканга чақиб солинг, яхшилаб аралаштиринг, устидан қайноқ сут қуйиб ичинг. Бу муолажани ҳафта мобайнида давом эттиринг.

➔ **Овоз бўғилиши.** Тухум сариғини алоҳида олиб, уни ярим стакан илиқ сутга солиб, яхшилаб аралаштиринг. Ҳосил бўлган малҳамни қултумлаб ва томоғингизни ғарғара қилиб ичинг.

➔ **Йўтал.** Бир стакан сутни қайнатиб, унга ўртача катталикдаги бир бош пиёзни солинг ва 10 дақиқа давомида қайнатинг. Қайнатмани иссиқ ҳолида, кун давомида бир неча марта тайёрлаб ичинг.

➔ Болангиз йўталганда, тунда бир стакан иссиқ сутга битта хом тухум ва 1 чой қошиқ асал қўшиб малҳам тайёрланг. Аралашмани икки қисмга бўлиб, бир қисмини уйқудан олдин иссиқ ҳолида беринг, кейинги қисмини музлатгичга қўйиб сақланг. Керакли пайтда бир оз илитиб ишлатишингиз мумкин.

➔ **Ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларида, гастрит, сийдик йўллари** касалликларида сутни қанча миқдорда ичсангиз ҳам зарар қилмайди.

➔ **Нейродермит.** Терининг қуриб қолишини олдини олиш учун, 0,5 л. сутга 100 гр. ўсимлик ёғи қуйиб, аралаштиринг ва иссиқ сув билан биргаликда ваннага қуйинг. Бир ҳафтада бир марта 15 дақиқадан худди шундай ванна қабул қилиш яхши натижа беради.



**ҲУЛКАР тайёрлади.**

# ЁЗДА ПАРҲЕЗСИЗ ОЗАМИЗ!

***Ёз фаслида танамизнинг қиш бўйи қалин кийимлар остида унча билинмаган камчиликлари кўриниб қолади. Агар қуйидаги тавсия этилаётган усулларни қўлласак қоматимиз кўркамлашиб, кайфиятимиз ҳам кўтарилади.***

**1- қоида.**
**ОЗГИНАДАН...**

Эрталабки нонушта ва кечки овқатдан воз кечиш ёки ҳамиша ниманидир оғизда чайнаб юриш яхши эмас, бу зарарлидир. Энг маъқули кунига 5-6 маҳал, озгинадан овқатланиш ҳисобланади. Мабодо бирор нарса егингиз келиб қолса, бир жойга ўтириб хотиржам еб олинг. Қачон истасангиз шунда овқатланишингиз мумкин, лекин ҳеч қачон ҳаддан ташқари оч қолманг. Кечқурунги овқатланиш уйқуга ётишдан 3 соат олдин бўлиши лозим.

**2-қоида.**
**ТУРЛИ-ТУМАН БЎЛСИН!**

Озиш учун энг муҳими танадаги фойдали моддалар маромини сақлашдир. Бунинг учун:

➔ ҳар куни 6-9 ҳиссадан сабзавот ва мевалар (1 ҳиссаси-1 дона олма ёки 1 дона олхўри, ярим стакан майдаланган мева ёки сабзавотлар) ейиш тавсия этилади. Шунингдек, кепакли нон ейиш ва сули ёрмасидан тайёрланган маҳсулотлардан истеъмол қилиш мумкин.

➔ 10 ош қошиқдан янги помидор шарбати ёки унинг димланганидан ейилса, бу тана қаришининг олдини олиб, тетиклаштиради.

➔ Гўшт ва пишлоқдан ҳам оз-оздан ейишни унутманг.

➔ Кунига 0,5 литр сув, 2 стакандан ёғсиз сут ёки кефир ичилади.

**3-қоида.**
**АСТА- СЕКИНЛИК БИЛАН**

Овқатни секин ва яхшилаб чайнаб ейишга одатланинг. Кичик бўлакларга бўлиб, оғзингизга солинган луқмадан лаззатланиш ҳиссини туйинг.

Овқатланаётганда таомга бор диққатингизни қаратинг. Телевизорга тикилманг, газета ва журнал ўқиманг. Бу вақтда телефонда гаплашишдек зарарли одатдан ҳам воз кечинг. Овқат пайтида фақат таом ҳақида суҳбатлашганингиз маъқул. Овқат ана шундагина яхши ҳазм бўларкан.

**4-қоида.**
**ИДИШИГА ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ!**

Овқатланиш бўйича экспертлар овқат кўп ейилишига, идишларнинг катта- кичиклиги ҳам, сабаб бўлишини таъкидлашмоқда.

Идиш қанча кичик бўлса, овқат унга шунча кам сиғади. Шу боис кичик идишларда овқатланишга одатланинг.

**5-қоида**
**ФОЙДАЛИСИНИ ТАНЛАНГ!**

Музлаткични очиб, кўздан кечириб чиқинг! Ярим тайёр маҳсулотлардан (сосиска, чучвара, қуймоқ, консерваланган гўшт) воз кечинг. Улар ўрнига кўпроқ кўкатлар, ўсимлик ёғи, ёнғоқ ва шарбатлардан истеъмол қилинг.

**6- қоида.**
**КЎЗДАН ЙЎҚОТИНГ!**

Оила аъзоларингиз ейиши учун мўлжалланган ширинлик тўла вазаларни, кўринадиган жойга қўйманг. Унинг ўрнига салатлар, сабзавотлар ва мевалардан қўйинг.

**7-қоида.**
**КЎПРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

Ҳар куни 20 дақиқа жисмоний машқлар билан шуғулланинг.

Агар ҳафтада 3 соат терлагунча машқ қилсангиз, овқатланган пайтда йиғилган ортиқча қувватдан қутуласиз. Мушакларнинг кўп ҳаракатланиши, танадаги ортиқча қувватингизни ёғга айлантириб йўқотади.

**8- қоида.**
**ТЎЙИБ УХЛАНГ!**

Баъзиларга 8 соат ухлаш жуда зарурдир. Аслида кўпчилик 6-7 соатдан ортиқ, ухламаса-да, уйқусизлик ортиқча вазн тўпланишига сабаб бўлади. Уйқусизлик сабабли киши чарчаганда, кўпроқ ширин ва ёғли нарсалар еб, чарчоқ боис йўқотилган қувватни тўлдиришга ҳаракат қилади.

**ФАЗИЛАТ тайёрлади.**

# СИЗДАН ХУШ БЎЙ ТАРАЛСИН...






**Ҳар бир одамнинг ўзига хос ҳиди бўлиб, бу уларга наслидан, экология ёки овқатланиш, гигиенага риоя қилмасликдан келиб чиқади. Бироқ киши танасидан ёқимли ҳид келиши нафақат ўзига, балки атрофидагилар учун ҳам ёқимлидир.**

## ГИГИЕНАГА РИОЯ ҚИЛАМИЗ!

➔ Орасталикнинг қоидаси жуда оддий бўлиб, бу ҳар куни илиқ душ қабул қилишдан иборат. Ҳозирги пайтда инсон кўпинча табиий бўлмаган маҳсулотлар истеъмол қилади. Зарарли газ йиғилган ҳаводан нафас олади. Шу боис душ остида ювиниш танани тозалаб, ундан токсинларни чиқариб юборади.

➔ Ёзда эса иложи борича қўлтиқ остидаги тукларни тозалаб туриш керак. Бу эса иссиқдан қизийдиган терини парваришлашни осонлаштиради.

➔ Агар сиз атирдан фойдаланишни ёқтирсангиз, унда бир хил косметик маҳсулотлардан фойдаланишга ўрганинг. Яъни, ванна учун мўлжалланган геллар, танага суриладиган косметик сут ва лосьонларнинг ҳиди деярли бир хил бўлиши лозим. Бироқ кунда ювиниш учун ўткир ҳиди бўлмаган совундан ишлатинг.

➔ Сочларингизни вақтида ювинг. Ёғланиб, ёпишиб турган сочлар хунук кўринади. Чунки ёғланган сочлар ўзидан шундай ёқимсиз ҳид чиқарадики, одамлар сиздан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолади. Сочларингизни ювгач, нам пайтида ўзингиз ёқтирадиган атирдан озроқ сепиб юборинг. Сўнг сочларингизни сочиқ билан қуритинг. Ҳўл қўлларингиз билан силаб юборсангиз ёқимли ҳид таралади.

➔ Эркак ҳам, аёл ҳам албатта шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши шарт. Акс ҳолда танадан тараладиган ҳид атрофдагиларни жиркантиради. Одамнинг қадри эса ўзгалар назарида бир пул бўлиб, тушиб кетади.

## БЕТАКРОР ВА ЎЗИМИЗНИКИ...

***Ҳар бир одамдан келаётган ҳид кўп нарсадан, жумладан, унинг соғлиғи, шахсий гигиенасига қанчалик эътибор беришидан, наслидан дарак беради.***

Ҳидга қараб одам танлашимиз кўнглимизга ёққан инсондан ҳам айнитиши ёки ўртадаги ришталарни мустаҳкамлаши мумкин. Ҳар бир киши аввало ўзининг ҳидини аниқлаб олиши керак. Бунинг учун (хушбўй совунсиз ювилган) тоза танага табиий матодан тайёрланган кўйлак ёки футболка (кир ювиш кукунисиз оддий кир совунда ювилган бўлиши керак) кийиб, то терлагунча югуринг. Уйга қайтгач эса кийимингизни ечиб ҳидлаб кўринг. Агар ҳид аччиқ ва ёқимсиз бўлса, аввало соғлиғингиз, овқатланишингиз ва яшаш тарзингизга эътибор қилиб, танангизни хилтлардан тозалашингиз керак бўлади. Бунинг учун кўпроқ кўкатлар ва мевалар истеъмол қилиб, ҳар куни ҳаммомда буғланинг.

Шуни унутмангки, соғлом тананинг табиий ҳиди ҳамиша ёқимли бўлади. Агар сиз кимнидир севиб қолган бўлсангиз, албатта бу ҳидни туйишингиз аниқ. Севишганлар ҳар доим бир-бирларидан келаётган хушбўй ҳидлар оғушига қоришиб кетишади. Агар ҳар куни эмас, бир неча кунда бир марта ювинадиган бўлсангиз, телбаларча севадиган ошиғингиз ҳам сиздан воз кечиши аниқ.

## ЎЗИНГИЗГА АТИР ТАЙЁРЛАНГ!

***Ҳар қандай атирнинг ҳам иси салгина сезилиши керак. Атрофдагиларнинг энсасини қотирадиган даражада бошдан-оёқ атирга «чўмилиб» олмаганингиз маъқул. Шунингдек, атирларни аралаштириб сепишга ҳам одатланманг. Агар ўзингизга ёқадиган хушбўй атирингиз бўлса, ҳар куни оз-оздан сепинг. Атир танлаш, ундан фойдаланиш ҳам нозик дид ва орасталикни билдиради.***

Ўзингизга ёқадиган атирни уйда тайёрлашингиз ҳам мумкин. Сочларингиз сарғиш бўлса 6 донадан бинафша ва атиргул гулбаргига 1 чимдимдан ялпиз ва маврак (шалфей) 10 дона чамандагул (вербена) баргларидан олинади. Бу барг ва гулбарглар албатта қуритилган бўлиши керак. Уларни аралаштиргач, устидан 50 грамм спирт қўшилади. Бир ҳафтадан сўнг сузиб олинади. Тайёр бўлган атирга пичоқ учида ванилин қўшилади. Бу атирдан қуёш ботгандан сўнг фойдаланилади. Эрталаб ишлатиш тавсия этилмайди. Сочларингиз тим қора бўлса 1 чой қошиқ қуритилган сирен гули, 1 томчидан эфир, жасмин ёки чиннигул ёғини 50 грамм спиртга аралаштириб атир тайёрланг. Шу билан бир вақтда эса бошқа банкачага 50 грамм спиртга 1 чимдимдан райҳон ва ялпиз қўшиб бир ҳафта сақлагач, сузиб олиб фойдаланинг.



## МАФТУНКОР БЎЛАМИЗ!

***Танаси соғлом ва ёқимли ҳид таратадиган киши кўркамдир. Энг келишган ва гўзал аёл баъзи эркакларга ёқади. Баъзилар эса ундан ўзларини олиб қочишади. Нега?***



Бундай бўлишига сабаб, инсон танаси ишлаб чиқарадиган моддадир. Бу модда феромон ёки аттрактантлар дейилади. Соғлом эркакларнинг танаси эса мана шу моддани кўп ишлаб чиқаради. Агар танада бирор касаллик бўлса тўқималар феромонлар ўрнига бадбўй, репеллент моддасини ишлаб чиқаради. Ушбу ёқимсиз ҳид чекиш, зўриқиш, ювинмаслик ва тананинг касаллиги ва камҳаракатлилик натижасида ҳам пайдо бўлар экан. Тоза ҳаво, тоза сув ва тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар бажариш, мустаҳкам асаблар танада феромон моддасини кўп ишлаб чиқаради. Шунингдек, ҳар бир одамдан келаётган ҳид унинг генини ҳам билдиради. Биз ўзимизга жуфт танлаётганимизда қарама-қарши ген соҳибларини маъқул кўрамиз. Ейдиган овқатларимиз рафинадланган, консерваланган бўлиши керак эмас. Чунки мунтазам равишда бундай маҳсулотлар истеъмол қилиш танага кўп хилт йиғиб, кўп репеллент моддасини ишлаб чиқара бошлайди. Шу боис меъёрида овқатланиб, ёғли ва қовурилган таомлардан кам еган маъқул. Кўп гўшт истеъмол қилиш оқибатида оқсиллар қийин сўрилиб, танадан ёқимсиз ҳид келишини кучайтирса, оғизда қолган гўшт қолдиқлари оғиздан қўланса ҳид келишига сабаб бўлади. Аёллар танасида феромон ишлаб чиқариш ҳар турли мевалар, шунингдек оқ ва яшил сабзавотларни кўп истеъмол қилишдан пайдо бўлади. Эркаклар эса танасидан феромон моддаси кўп ажралиб чиқиши учун қизил, сариқ ва помидорга ўхшаш рангли сабзавотлар ейишлари керак.

## НАФАСИНГИЗ ХУШБЎЙ... МИ?

***Баъзи кишиларнинг оғзидан сассиқ ҳид келади. Бундай одамлар тишларини диққат билан тозалашса-да, оғизларидан келаётган ҳид йўқолмайди.***

Гапирганда ёки нафас чиқарганингизда оғиздан қўланса ҳид келмаслигини истасангиз, аввало тилингизни тозалашга одатланинг. Айнан тилда пайдо бўлган қатламлар микробларнинг кони ҳисобланади. Тилдаги бу микроблар эса жуда кўп заҳарли моддалар ишлаб чиқаради. Агар инсон нотўғри овқатланса тана жуда кўп зарарли шиллиқ моддалар ишлаб чиқаради ва бу эса тилдаги микробларнинг янада урчишига сабаб бўлади. Тилни тозалаш учун кумушдан ясалган чой қошиқлардан фойдаланиш мумкин. Айнан тил томири атрофида жуда кўп қатлам ҳосил бўлиб, атрофдагиларга сезиладиган жуда бадбўй ҳид чиқаради. Тишларни милкдан бошлаб тиш охирига қараб айланма ҳаракатлар билан тозалаш лозим. Бу ишни камида 2-3 дақиқа бажаринг. Чўткаларни эса ҳар уч ойда алмаштиринг. Чунки чўтка қилларида микроблар кўпайиб кетиши мумкин.

Вақти-вақти билан тиш шифокорига учра, тишларингиз соғломлигини текширтириб туринг. Тиш емирилиши—пародонтоз касаллигида ҳам оғиздан нохуш ҳидлар келиши мумкин.

➔ Тетиклаштирувчи ванналар иссиқ кунларда яхши ёрдам беради. Бунинг учун гиёҳлар дамламаси, эфир ёғи, бир бонка пиво бўлса, уни ваннага ағдаринг. 10-15 дақиқа ётганингиздан сўнг танангиз тетиклашганини сезасиз.

➔ Гиёҳлардан энг яхшиси ялпиз бўлиб, у терига яхши таъсир қилади. Шунингдек, 3 томчидан ялпиз ва райҳон ёғи ваннадаги сувга қўшилиб, 20 дақиқа сувда ётилса, тетиклаштиради.

➔ Севгилингиз билан учрашмоқчи бўлсангиз, асал ва гиёҳли ванна тайёрланг. Бу аралашма терини силлиқ ва майин қилади.

➔ Оёғингиз кўп терласа эман (дуб) пўстидан тайёрланган қайноқ ваннага солиб то совугунча оёқларингизни тиқиб ўтиринг.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**




**332** **Ёшим 22 да.** Турмушга чиқмаганман. Маълумотим олий. Асли қашқадарёлик бўлсам ҳам Тошкентда яшаб, шу ерда ишлайман. 35-36 ёшлардаги олий маълумотли, (иложи бўлса уйланмаган), ўзининг уй-жойи бўлган, оилани қадрлайдиган меҳрибон бир йигит бўлса турмуш қурган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Лола**

**333** Асли тошкентликмиз. **Қизимнинг ёши 28 да.** Ажрашган. Касби ҳамшира. Бир ўғилчаси бор. (Агар қизимни узатсак уни ўзимиз олиб қоламиз) Ўзининг уйи бор, (лекин вақтинча биз билан яшайди), ўзини моддий томондан таъминлай олади. Агар 35 ёшгача бўлган, уй-жойли, жиддий, касби бор, ишлайдиган тошкентлик йигит бўлса узатар эдик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Хожи ота**

**334** **Ёшим 30 да.** Тошкентликман. Ҳали уйланмаганман. Ёлғиз яшайман. Яхши корхонада ишлайман. Уйлансам оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 28 ёшгача бўлган, ақлли, сабру тоқатли, уй-жойи бўлган, (ичкуёв бўлишга розиман), мени тушунадиган, тошкентлик қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Асад**

**335** **Ёшим 44 да.** Тошкент вилоятиданман. Ажрашганман. Икки ўғлим мен билан яшайди. Ҳовлим бор. Ишлайман.Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 40 ёшгача бўлган, (бир қизчаси бўлса майли), ораста, ўғилларимга оналик қилиб, меҳра бера оладиган аёл билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Комил ака**

**336** **Ёшим 31 да.** Сирдарё вилоятиданман. Ота-онам билан яшайман. Турмушга чиқмаганман. Қўлимдан аёл кишига хос бўлган барча ишлар келади. 37-40 ёшгача бўлган, ажрашган ёки уйланмаган, диёнатли, ишлайдиган, уй-жойи бўлган бир эркак билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Умида**

**337** **Ёшим 25 да.** Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот шаҳрида яшайман. Ҳали турмушга чиқмаганман. 25-31 ёшлардаги, ўз касбига ва уй-жойига эга, ишлайдиган, ўқимишли, ориятли, Хоразм ёки Қорақалпоғистонда яшайдиган эркак билан танишиб, турмуш қуриш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Замира**

**338** **Ёшим 25 да.** Жиддий сабаб билан ажрашганман. Тошкентликман. Кўркам, келишган аёлман. Тошкентлик, 35 ёшгача бўлган бир ёки икки фарзандли эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Камола**

**339** **Ёшим 60 да.** Фарзандларим уй-жойлик бўлиб кетишган. Асли Сурхондарёликман. Тошкентда яшайман. Ўз уйим бор. 63-64 ёшгача бўлган, фарзандларидан қутулган ёки бефарзанд эркак бўлса, турмуш қурмоқчиман.

**Манзилимтаҳририятда.**

**Меҳри опа**

**340** **Синглимнинг ёши 43 да.** Тошкент шаҳрида яшаймиз. Турмушга чиқмаган. Ақллихушли қиз. Яхши жойда ишлайди. (Бўйи 165 см.) Уй-жойли, 45-50 ёшгача бўлган, оғир-вазмин, иши тайин, келишган эркакка синглимни узатмоқчимиз.

**Манзилим таҳририятда.**

**Карима**

**341** **Ёшим 28 да.** Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Келишган, ораста қизман. 35 ёшгача бўлган, уй-жойли, ишлайдиган, оилани қадрлайдиган, ичмайдиган, чекмайдиган, жиддий эркак билан танишиб турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Малика**

**342** **Ёшим 30 да.** Асли Сирдарёликман. (Бўйим 150 см.) Шу вақтгача бахтимни топа олмадим. Ишлайман. 30-дан 40 ёшгача бўлган, ажрашган, (аёли ваофт этган), қўлида бирор ҳунари бор, уй-жойли, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тушунадиган, йигит билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Гулбаҳор**

**343** Асли тошкентликмиз. **28 ёшли** келишган жияним бор. Турмушга чиқмаган. Давлат ишида ишлайди. Олий маълумотли. Ўзининг уй-жойи бор. 35 ёшгача бўлган, ўқимишли, ақлли, ишлайдиган, тошкентлик, келишган эркак бўлса узатардик.

**Манзили таҳририятда.**

**Файзи опа**

**344** **Ёшим 38 да.** Ажрашганман. 16 ёшли қизим бор. Ўз уйимда яшайман. 45 ёшгача бўлган, Тошкент ёки Олмаликда яшайдиган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Моҳигул**

**345** **Ёшим 56 да.** Бир қизим билан яшайман. Оғир-вазмин аёлман. Тошкентлик, уй-жойли, 60 ёшгача бўлган, фарзандларидан қутулган, диёнатли, меҳрибон эркак билан турмуш қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Оқила опа**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

# ОНАЛИК БАХТИНИ ТОТСАМ...

**346** - Исмим Юлдуз! Орзу-ҳаваслар билан турмушга чиққандим. Ота-онам шўрлик ошириб-тошириб сепларимни қилиб беришганди. Аммо, сийму-заринг бўлса-ю, биттагина тирноққа зор бўлиб қолсанг ҳаммаси бекор экан, - дея гап бошлади хонамга кириб келган, сарвиқомат, чиройли жувон.

**- Нега ундай бўлди, синглим? - сўрадим ачиниб.**

- Қайнонам катта тўй қилиб, яхши сарупалар билан мени келин қилди. Яхши яшай бошладик. Мен ҳамманинг ҳавасини келтириб, ял-ял ёниб келинлик уйимнинг хизматини қилиб юрардим. Вақти келиб ҳомиладор бўлдим. Мендан бахтли одам йўқ эди. Болам туғиладиган вақт яқинлашганда ҳам ҳамма ишларни қилиб юравердим. Бошимга тушган кулфатга ҳам ўзим сабабчи бўлдим-да.

**- Нима бўлганди?**

- Қорнимдаги боламнинг миттигина оёқчалари билан туртиб-туртиб қўйишидан завқим келарди. Бир куни негадир боламнинг сира типирчиламаганини ва қорним қандайдир оғирлашиб қолганини сезиб қолдим. Ваҳоланки, эрталаб ҳам болам сал-сал тепиниб қўйганди. Қўрқиб, қайнонамга айтгандим, у: "Эртага эрталаб онангизнинг уйига борарсиз. Дўхтирга ҳам онангиз олиб боради", - деди. Эримга ҳам айтгандим, "Онам эртага борасан дебди-ку, бўлди-да" - дея жеркиб берди.

**- Кейин шифокорга учрашдингизми?**

- Эрталаб уйқудан дарди-дунёим қоронғи бўлиб турдим. Қорнимдаги оғирликни аниқ сезардим.Онамнинг олдига борганимда у қўрқиб кетиб, дарров, "Тез ёрдам!" чақирди. Дўхтирга борган заҳотим мени операция столига олиб кириб кетишди. Маълум бўлишича болам қорнимда ўлиб қолган экан.Сал бўлмаса заҳарланарканман. Касалхонадан сўнг қайнонамнинг уйига келганимда у: "Юлдуз, энди ажрашасизлар, чунки операциядан сўнг бола бўлмас экан!?" - дея юрагимни музлатадиган гапни айтди. Эрим ёнимга тушмади. Мен ҳам қайсаргина эдим, кетсам яна бир йилдан сўнг боламни бағримга босиб кейин кетаман, - дедим-да, келинлик уйимга кириб кетдим.

Қарасам, аллақачон юкларимни йиғиштириб ҳам қўйишган экан! Нарсаларимни ёйиб қўйиб, ишимни қилиб юравердим. Орадан бир неча ой ўтди. Бўйимда ҳам бўлди. Лекин шифокорлар камида уч йилдан кейин фарзанд кўришим кераклигини қайта-қайта таъкидлашганди. Мен эса шошгандим. Танам ҳали кучсиз бўлгани сабабми ҳомилам яна қорнимда ўлиб қолди. Оқибатда, "бу энди туғмайди",-деб мени уйимга жўнатиб юборишди.

Ўз уйимда мени жуда авайлашади. Кўнглимга қарашади. Лекин она бўлишни жуда ҳам истайман-да. Балки турмушга чиқсам она бўларман? Бахтга етдиму, боламни бағримга боса олмадим. Бирёки иккита гўдаги билан ёлғиз қолган (аёли вафот этган бўлса) эркаклар бўлса болаларини кўз нуримдек асраб-авайлаб ўстирардим. Ўз болам бўлса ҳам уларни ўзимникидан кўпроқ суйган бўлардим...

**Эҳтимол газетамиз мухлислари орасида фарзандлари учун оналикка Юлдузхондек аёлни излаётган эркаклар ҳам бордир? Шундай эркаклар бор бўлса Юлдузхоннинг манзили таҳририятда.**

* * *

**347** - Исмим Гўзал, кўнглим тўла қувонч билан турмушга чиққандим. Бизнинг тўйимиз жуда чиройли бўлганди, афсуски ҳаётимиз ҳам шундай гўзал давом этмади, - дея афсус билан сўз бошлади опаси билан кириб келган маҳзунгина келинчак. - Чунки биз тўрт келин бир кунда қайнона хонадонига келгандик...Тўрт овсин билганларимизни бир-биримиздан ошириб кўрсатишга интилардик. Қайнотамнинг даласи ҳам бор эди. У ерда ҳам биз овсинлар ишлардик.

**- Қандай муаммо қийнаяпти сизни? - сўрадим унинг кўзларига ёш тўла бошлаганини кўриб.**

- Бу ерга бир дунё дардимни кўтариб келганман. Қайнонамнинг тўрт келини орасида (уларнинг учтаси ўз қариндоши эди) мен биринчи бўлиб ҳомиладор бўлдим. Қайнонамнинг уч келини ўз қариндошларининг қизлари. Шунинг учунми менга муносабат бошқача эди. Ҳомиладор бўлишимга қарамасдан менга оғир ишларни буюришарди. Бир куни далада қоп тўла картошкани кўтардим.Бошқа иложим йўқ эди. Кечқурун мазам бўлмади. Эртасига эса боламдан ажралдим. Шу сабабми орамизга совуқчилик тушди. Хуллас, ажрашиб кетдик. Эрим ҳам кейинчалик уйланди. Лекин ҳалигача фарзанди йўқ. Мен эса яна она бўлишим мумкин. Шу боис ёшим ўтмасидан бир оиланинг бекаси бўлсам...Ва она бўлишдек бахт насиб этса дейман...

* * *

**Аёл борки она бўлишни орзу қилади. Фарзандсиз оилада эса қувонч йўқ. Азизлар, бахт излаган бу аёлларга қўнғироқ қилишни истасангиз уларнинг манзиллари таҳририятда.**

**Басира тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

**Бош муҳаррир: 134-86-91**
**Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20**
**Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46**
**Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46**
**Бухгалтерия: 132-07-41**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент - 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.**
**«Олой» бозори ёнида.**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ -** 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11162
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **С. ФАХРИДДИНОВА**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**
2 3 4 5 6